

Ососкова Т.А., Ҳикматов Ф. Ҳ., Чуб В.Е.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ

**Ўзбекистон Республикаси
олий ўқув юртлари талабалари учун
иқлим ўзгариши масалаларига бағишлиланган
маҳсус маъruzалар курси**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



БМТ Атроф муҳит муҳофазаси дастури
(ЮНЕП)нинг Ўзбекистон: «Иқлим ўзгариши
ҳақида БМТ Доиравий Конвенцияси 6
Моддасини амалга ошириш» лойиҳаси
доирасида тайёрланган

ТОШКЕНТ – 2005



УДК 551.583 : 572.1 : 576.1 : 577.4

Ососкова Т.А., Ҳикматов Ф.Ҳ., Чуб В.Е. Иқлим ўзгариши. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари талабалари учун махсус курс. – Тошкент, 2005. – 40 б.

Тақризчи: физ.-мат. фанлари номзоди Петров Ю.В.

Ушбу махсус курсда асосий иқлим ҳосил қилувчи омиллар ва жараёнлар ёритилган. Иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи газларнинг иқлим ўзгаришига қўшган ҳиссаси ўтган замон, ҳозирги кун ва яқин 100 йиллик келажак учун баҳоланганд. Иқлим ўзгариши масалалари, Ўзбекистонни истеъсно этмаган ҳолда, унинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича халқаро миқёсда кўрилаётган чора – тадбирлар ёритилган. Шу билан бирга иқлим ўзгариши ҳақида БМТ нинг Доиравий Конвенцияси ҳуқуқий ҳужжати – Киото Протоколига катта эътибор қаратилган.

Махсус курс Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари талабалари ҳамда аҳолининг кенг оммаси ўртасида ўтказиладиган ўқув – маърифий ишларда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети География факультети Илмий Кенгаши (2005 йил 26 январдаги йиғилиш қайдномаси) томонидан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари – институтлар ва университетлар талабаларини иқлим ўзгариши масалаларига бағишлиланган курсларда ўқитишда ўқув қўлланма сифатида фойдаланиш учун тавсия этилган.

© Ососкова Т.А., Ҳикматов Ф.Ҳ., Чуб В.Е., 2005

© ЮНЕП лойиҳаси Ўзбекистон « РКИК 6 Моддасини амалга ошириш», 2005

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	4
1. Иқлим ҳақида умумий маълумотлар	6
1.1. Асосий таъриф ва тушунчалар	6
1.2. Иқлим ҳосил қилувчи омиллар ва жараёнлар	6
1.2.1. Табиий иқлим ҳосил қилувчи омиллар.....	7
1.2.2. Иқлим ҳосил қилувчи жараёнлар	10
1.2.3. Антропоген омиллар.....	10
1.3. Иқлим назарияси – иқлим ўзгаришини олдиндан билишнинг асоси.....	11
2. Иссикхона эффиқти ва иқлим	13
2.1. Иссикхона эффиқти ҳақида	13
2.2. Иссикхона эффиқти ҳосил қилувчи газлар ва аэрозоллар	14
2.3. Иссикхона эффиқти ҳосил қилувчи газлар миқдорининг ўзгариши ва келажак иқлими.	15
3. Иқлим ўзгариши	18
3.1. Иқлим ўзгариши ҳақида тарихий маълумотлар	18
3.2. Иқлим ўзгаришини белгиловчи омиллар	20
3.3. Глобал миқёсдаги иқлим ўзгариши сценариялари (моделлари)	20
3.4. Иқлим сценарияларини Ўзбекистон ҳудуди учун мослаштириш.....	22
4. Иқлим ўзгаришининг оқибатлари	25
4.1. Глобал миқёсда иқлим ўзгаришининг оқибатлари	25
4.2. Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудларда иқлим ўзгариши оқибатлари.....	27
5. Иқлим ўзгариши оқибатларини олдини олиш	32
5.1. Иқлим ўзгариши бўйича биргалиқдаги Халқаро жавоб ҳаракатлари.....	32
5.2. Иқлим ўзгариши ҳақида БМТ Доиравий Конвенцияси.....	32
5.3. Томонлар Конференциялари.....	34
5.4. Киото протоколи	34
5.5. Миллий ахборот алмашиш ва уни кўриб чиқиш.	36
5.6. Иқлим ўзгариши таъсирига мослашиш	38
Асосий ахборот манбалари	40

К и р и ш

Иқлимий шароитлар Ер биосфераси эволюциясига түғридан – түғри таъсир күрсатады. Иқлим ҳар қаңдай экосистеманинг иккى асосий абиотик ташкил этувчиларидан бири ҳисобланады ва уни *климатоп* деб аташ қабул қилинган.

Ер юзида инсоннинг пайдо бўлиши ва ибтидоий одамларнинг жойлашган маконлари сайёрамизда 1 – 2 миллион йиллар илгари мавжуд бўлган иқлимий шароитлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Инсон ўз эволюцияси жараёнида нокулай иқлимга уй – жойлар қуриш, оловдан фойдаланиш ва кийим – кечаклар кийиш йўллари билан мослашишга ҳаракат қилганлар. Шунга қарамасдан ҳозирги кунда инсониятнинг катта қисми қуруқликнинг нисбатан чегараланган жойларида ўрнашган бўлиб, бу ерларда иқлимий шароитлар инсон ҳаётини фаолияти учун энг қуладайдир.

Қизифи шундаки, инсониятнинг охирги иккى юз йиллик давр давомида илм ва техникани ривожлантириш соҳасида эришган улкан ютуқларига қарамасдан, у ҳамон иқлимий шароитларга боғлиқлиқдан холос бўла олмаяпти. Устига – устак иқлимининг инсон хўжалик фаолиятининг барча қирраларига, жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги, гидроэнергетика, ҳамма турдаги транспорт ҳаракати, техника маҳсулотларини ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш ва бошқа соҳаларга таъсири янада кучлироқ бўлмоқда. Иқлим шароитининг инсон психо – физиологик ҳолатига ва унинг соғлигига таъсири ҳам кучайиб бормоқда. Иқлим шароити тобора ижтимоий ва ҳатто сиёсий аҳамият касб этмоқда.

Иқлим ўзгаришлари Ернинг узоқ геологик ўтмишида ҳам юз берган, лекин улар табиий омиллар таъсирида рўй берган. Ҳозирги кунда эса иқлимга асосий таъсири инсон фаолияти кўрсатаёттанилиги аниқ исботлаб берилди. Ушбу таъсирининг учта асосий механизми аниқланган бўлиб, улар атмосферада иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи газлар концентрациясининг ортиши, инсоният томонидан фойдаланилаётган энергия ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва атмосферадаги аэрозол миқдори ва таркибининг ўзгаришидан иборат.

Иқлимининг ҳозирги кундаги ўзгаришларининг белгилари дунё миқёсида ва шу билан бирга Европада ҳам сезилмоқда. Ер шарида ўтган 100 йил давомида ўргача ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ушбу ўзгаришнинг белгиларидан биридир. Бу ўзгариш Ер шарида 0.6°C ни ташкил этган бўлса, Европада 1.2°C га тенг бўлди. Бундан ташқари, ўтган 100 йил давомида Дунё ва Европа дентизларида сув сатҳи $10 - 20$ см кўтарилиди. Атмосфера ёғинларининг миқдори ҳам ўзгарди, экстремал – нокулай об – ҳаво ҳодисалари (илик қишлоқлар, ёздаги ўта иссиқ кунлар, кучли жала ёмғирлар, катта сув тошқинлари, сайёрамизнинг турли қисмларида тоғ музылкларининг кенг миқёсда қисқариши ва бошқ.) тез – тез кузатиладиган бўлиб қолди.

Иқлимининг биосферага ва шу билан бирга кишилик жамиятига таъсирининг юқорида, тўлиқ бўлмасада, қайд этилган турларидан кўриниб турибдик, бу муаммога ушбу кунда катта эътибор қаратилаёттанилиги бежиз эмас. Ушбу эътибор, биринчидан, сайёрамизда иқлим ўзгаришининг сабабларини ўрганишда ва, иккинчидан, ушбу ўзгаришнинг салбий оқибатларини иложи борича камайтириш тадбирларини ишлаб чиқишига қаратилганлигидан акс этади.

Бу соҳада кенг миқёсдаги тадқиқотлар БМТ раҳномалигидаги ҳалқаро келишувларга мувофиқ равища (ЮНЕСКО, ВМО, ЮНЕП, МГЭИК ва бошқ.) амалга оширилмоқда. Ана шулардан бири иқлим ўзгариши ҳақида БМТ Доиравий Конвенцияси (РКИКООН) бўлиб, уни дунёнинг кўплаб мамлакатлари (189 мамлакат), шу жумладан Ўзбекистон ҳам 1993 йил июнда имзолаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гидрометеорология хизмати Маркази (Ўзиғидромет) Ўзбекистонда иқлим ўзгариши ҳақида БМТ Доиравий Конвенциясидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш бўйича масъул ташкилот ҳисобланади.

Иқлим ўзгариши бўйича Ҳукуматларо эксперталар гуруҳи (МГЭИК) иқлимин илмий тадқиқ этишини мувофиқлаштириш билан шуғулланиб, қуйидаги уч муаммога эътибор қараттан:

1. Ҳозирги замондаги иқлим ўзгаришини баҳолаш, унинг табиий ва антропоген сабабларини аниқлаш ҳамда келажакда Ер куррасида узоқ муддатли иқлим ўзгаришларининг асосланган сценарияларини ишлаб чиқиш;

2. Иқлим ўзгаришининг табиат, атраф – мұхит ва инсон хўжалик фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган ижобий ва салбий оқибатларини баҳолаш;

3. Салбий оқибатларни камайтириш ва барқарор ривожланишига эришиш мақсадида давлатлар ва бутун жаҳон оммасининг ушбу ўзгаришларга муносабати стратегиясини ишлаб чиқиши.

Климатология дарслуклари ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлиб, уларда ҳозирги замон иқлим ўзгариши муаммолари ва унинг оқибатларини батагасил ёритишнинг имконияти йўқ. Шу сабаб, бугунги кунда мазкур муаммолар билан иқлимий шароитлар ўзгаришини ўз фаолиятида у ёки бу даражада ҳисобга олувиши кенг доирадаги мутахассисларни таништириш зарур бўлиб қолди. Бундай ҳаракатлар аҳолининг турли қатламларини шу йўналишдаги маълумотлар билан таништириш нуқтаи – назаридан ҳам лозимдир.

Ушбу ўқув қўлланма шу мақсадда яратилган бўлиб, ундан университетлар ва табиий факультетларининг талабалари, магистрлари ва аспирантларини ўқитишда маҳсус маъruzalар курси сифатида фойдаланиш мумкин. Ўқув қўлланмани аҳолининг кенг қатламларига мустақил билим олишда фойдаланиш учун ҳам тавсия этиш мумкин.

Ўқув қўлланмани тузишда ундан фойдаланувчилар иқлим ҳақида асосий билимларни «Климатология» курсида эгаллаганликлари назарда тутилди. Шунга қарамасдан, қўлланманинг биринчи бобида климатологиянинг умумий тушунчалари ва атамалари ҳамда иқлим ҳосил қилувчи омиллар ҳақида билимларни бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди.

Қўлланманинг иккинчи бобида иссиқхона эффектининг моҳияти ва унинг юзага келишида иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи газларниң аҳамияти тушунтирилади.

Учинчи боб ҳозирги замондаги иқлим ўзгаришларини маҳсус – модел ҳисоблашлар асосида баҳолашга бағишлиланган.

Қўлланманинг тўртинчи бобида иқлим ўзгариши оқибатлари кўриб чиқилган.

Бешинчи боб иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида жаҳон ҳамжамияти томонидан кўрилаётган чора – тадбирларни ёритишга бағишлиланган.

Ўқув қўлланманинг мазмуни энг охирги маълумотларга асосланган бўлиб, улар МГЭИК ҳисоботларидан, РКИКООН Секретариати ахбороти материалларидан олинди. Шу билан бирга БМТнинг иқлим ўзгариши ҳақида Доиравий Конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг Биринчي Миллий ахборотидан ҳамда ГЭФ/ПРООНнинг «Ўзбекистон – мамлакатни иқлим ўзгариши бўйича ўрганиш» лойиҳаси 2 – фазаси докладидан фойдаланилди.

1. ИҚЛІМ ҲАҚИДА ҮМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Асосий таъриф ва тушунчалар

Ернинг узоқ давом эттан эволюцияси жараёнида унда қуйидаги учта асосий қобиқ шаклланган: қаттиқ (литосфера), суюқ (гидросфера) ва газсимон (атмосфера). Ушбу қобиқ – сфералардаги турли туман ва мұраккаб физик ҳамда кимёвий жараёнларни *Ер ҳақиғаты фанлар* ўрганади. Уларни геофизика фанлари деб аташ қабул қилинган.

Атмосфера – газсимон мұхит бўлиб, у газлар, сув буғлари ва аэроздоллардан ташкил топган. Атмосферанинг асосий хусусиятлари унинг таркибининг макон бўйича турличалигига ва замон бўйича ўзгарувчанлигига акс этади. Атмосферада кечадиган физик жараёнларни *атмосфера физикасы* фани ўрганади.

Атмосфера физикасы (умумий метеорология) – атмосферанинг таркиби ва тузилиши, ундағи иссиқлиқ ютилиши ва нурланиш, ҳавонинг исиши, совушы ва унинг ҳаракати қонуниятлари, буғланиш ва сув буғларининг конденсацияланиши ҳамда турли – туман оптика, электрик, акустик ва бошқа ҳодисалар билан биран боғлиқ бўлган физик жараёнларни ўрганадиган фандир.

«Метеорология» атамаси фанга Аристотел томонидан киритилган (янги эрадан олдинги III аср). У иккита грек сўзлари қўшилишидан ташкил топган: «метеор» дейилганда қадимги Грецияда Ердаги барча ҳодисалар (булутлар, шамол, ер силкиниши ва бошқалар) тушунилган; «логос», бу ўрганиш, билиш демақдир.

Об – ҳаво маълум жойдаги атмосфера(10 – 12 км баландиккача) ва таъсир қатламининг аниқ фурсатдаги ёки вақт оралиғидаги физик ҳолатини ифодалайди. Об – ҳаво қатор метеорологик катталиклар ва ҳодисалар билан ҳарактерланади. Метеорологик катталикларга ҳаво ҳарорати, ҳаво намлиги, ҳаво босими, шамол тезлиги ва йўналиши, булутлар миқдори, баландиги ва тури, атмосфера ёғинлари тури ва жадаллиги, нурли энергия ва иссиқлиқ оқимлари ва бошқалар киради. **Метеорологик ҳодисалар** – бу маълум метеорологик катталиклар мажмуси билан ҳарактерланадиган физик жараёндир. Уларга мамақолдироқ, туман, чанг (кумли) бўронлар, изгирин, шудринг, яхмалак ва бошқалар киради. Об – ҳавонинг энг муҳим ўзига хослиги – ҳолатининг узлуксиз ўзгаришидадир, яъни об – ҳаво вақт бўйича беқарордир.

Иқлим кўп йиллик об – ҳаво режими билан ифодаланиб, жойнинг географик кенглиги, океанга нисбатан узоқлиги, рельефи, денгиз сатҳига нисбатан баландлиги, Ер сирти ҳолатининг типи ва бошқа қатор омиллар билан аниқланади. Иқлимнинг кўп йиллар давомида жуда кичик қийматларда ўзгариши маълум жой учун уни барқарор деб ҳисоблашга имкон беради. Шу сабабли иқлим географик ландшафтни ташкил этувчилардан бири ҳисобланади.

«Иқлим» атамаси ҳам Аристотел томонидан киритилган ва «қиялик» маъносини англатади. Бунда Ер сиртининг Қуёш нурларига нисбатан қия жойлашиши кўзда тутилади.

Климатология – иқлим ҳосил бўлиш жараёнларини, Ер иқлимининг ўтган, ҳозирги ва келажақдаги ҳолати ҳамда таснифларини, иқлимининг инсон фаолиятига таъсирини ёки, аксинча, инсоннинг иқлимга таъсири масалаларини ўрганадиган фандир.

Глобал иқлимий системани ўрганиш, глобал ва локал миқёсда мумкин бўлган иқлим ўзгаришларини прогнозлаш климатологиянинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Глобал иқлимий системага қуйи атмосфера (тропосфера, қуйи стратосфера), гидросфера (okean ва қуруқлиқдаги сувлар), криосфера (арктик районлардаги музланиш зоналари, тоғ музликлари, мутлақ музлоқ ерлар) ва биосфера киради. Санаб ўтилган барча компонентлар ўзаро узлуксиз ва мұраккаб таъсирлашув ҳолатида бўлади.

Глобал иқлими бир неча ўн йилларни қамраб олуви вақт оралиғида иқлимий системада кечадиган ҳолат ўзгаришларининг статистик мажмусини ифодалайди. Иқлимни бундай тасаввур этиш ҳақиқатан ҳам глобал миқёсни қамраб олади.

Маҳаллий иқлими кўп йиллар давомида маълум жойга хос бўлган атмосфера шароитларининг мажмусидир. Бундай ёндошувда иқлим табиий – географик кўрсаткичлардан бирига айланади.

Макроиқлим – бу географик районлар (регионал ёндошувда ландшафтлар)дан то глобал миқёсни қамраб олган йирик географик ҳудудлар иқлимиdir.

Унча катта бўлмаган, алоҳида географик тузилмалар иқлимини ифодалашда мезоиқлим ва микроиқлим тушунчаларидан фойдаланиш қабул қилинган.

Мезоиқлим – бу миқёси юзлаб километрдан ортмайдиган географик ландшафтнинг алоҳида бўлинмалари (урочише, ўрмон, водий, шаҳар ва бошқалар) иқлимиdir.

Микроиқлим эса унча катта бўлмаган ҳудудлар ёки ўлчамлари бир неча юз метрдан катта бўлмаган сунъий тузilmalар (парк, кўл соҳили, ўрмон ёқаси ва бошқалар) иқлимини ифодалайди.

1.2. Иқлим ҳосил қилувчи жаралар ва омиллар

Бугунги кунда Ер иқлими ва унинг ўзгаришини белгиловчи омиллар табиий ва инсоннинг турли кўринишлариниң фаолияти билан боғлиқ бўлган антропоген омилларга ажратилади.

1.2.1. Иқлим ҳосил қилувчи табиий омиллар

Иқлим ҳосил қилувчи ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи табиий омилларни қуйидаги учта гурӯхга ажратиш мумкин: астрономик, ташқи геофизик ва ички геофизик.

Астрономик омиллар. Уларга қуиңдагилар киради:

- қуёш ёритувчанлиги ва қуёш фоолигининг ўзгариши;
- Ер орбитаси параметрлари;
- Ер орбитаси параметрларининг Ер билан Қуёш, Ер билан Ой ва бошқа планеталар билан ўзаро гравитацион майдон таъсирашувида ўзгариши;
- юлдузлароро мұхит зичлигининг кириб келаёттан Қуёш радиациясига таъсири.

Атмосферанинг юқори чегараларига кириб келаёттан Қуёш энергияси мана шу омилларга боғлиқ бўлиб, улар таъсирида соляр (куёш) иқлими шакланади. Бу миқдор қуёш доимийси деб аталади. Ернинг Қуёшга нисбатан ўртача жойлашишида қуёш доимийсининг қиймати 1 январ 1981 йилдан $1,367 \pm 0,007$ кВт/м² деб қабул қилинган. Берилган нуқтага айни вақтда кириб келаёттан Қуёш радиацияси оқими қуёш доимийси қийматига, Қуёшгача бўлган масофага, Қуёшнинг оғишига, жойнинг кенглигига ва кундаги вақтга боғлиқ. Санаб ўтилган кўрсаткичлар тури кенгликларда атмосферанинг юқори чегарасига кириб келаётган иссиқлик оқимининг кунлик ва йиллик ўзгаришларини белгилайди.

Қуёш системасидаги сайдерларнинг узоқ йиллар давомида ўзаро гравитацион таъсирашуви натижасида ер орбитасининг эксцентрикситети (эллипссимонлити) ўзгаради. Эклиптикага нисбатан экваторнинг оғиши бурчаги ҳам ўзгаради, чунки у Қуёш оғиши билан боғлиқдир. Бу ерда орбита суримишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Барча санаб ўтилган омиллар иқлимининг сезиларли ва давомийли тебранишларини келтириб чиқаради.

Ташқи геофизик омиллар. Уларга қуиңдагилар киради:

- Ернинг ўлчамлари ва массаси;
- Ернинг бурчак айланиш тезлиги;
- Ернинг оғирлик майдони ва унинг аномалиялари;
- Ернинг магнит майдони;
- Ер қаърида вулкан ҳодисаларини келтириб чиқарувчи жараёнлар;
- геотермал иссиқлик оқимлари ва бошқалар.

Санаб ўтилган омиллар орасида вулкан жараёнлари иқлим ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатади. Вулканлар отилиши натижасида атмосферага бир йилда 15 – 25 млн. тонна аэроздол қўшилади. Бундай катта миқдордаги аэроздол заррачалари бир томондан Қуёшдан келаёттан қисқа тўлқинли радиацияга таъсир кўрсатса, иккинчи томондан атмосфера ва ер сиртидан узун тўлқинли нурланишга ҳам таъсир этади. Ернинг айланиши бурчаги тезлигининг ўзгариши атмосфера циркуляциясига, бу эса, ўз навбатида, атмосферанинг асосий таъсир марказларининг ҳолатига ва жадаллигига таъсир этади.

Геотермал иссиқлик оқимлари эса иқлимининг маҳаллий ўзгаришларига таъсир этиши мумкин. Ер шаклининг носимметриклиги ва унинг гравитацион майдонининг ҳамда Ер мантияси ва субъядросидаги жараёнларнинг иқлимга қандай таъсир этиши ҳозиргача кам ўрганилган масалалардан ҳисобланади.

Ички геофизик омиллар. Бу омиллар иқлимий системанинг алоҳида таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро таъсирашув қонуниятлари учун хосдир. Уларга қуиңдагилар киради:

- атмосферанинг кимёвий таркиби;
- материклар ва океанларнинг таъсиirlаниш хусусиятлари;
- қуруқлик юзаси рельефи;
- океан массаси ва хусусиятлари;
- атмосфера ва океандаги циркуляцион жараёнлар;
- атмосфера тиниқлиги ва булутлилик.

Санаб ўтилган омиллар орасида иқлим ўзгаришига сезиларли таъсирни сув буғлари ва карбонат антидрид кўрсатади, чунки улар табиий иссиқхона эффективининг шакланишига имконият яратади. Ҳисоблашларнинг кўрсатишича атмосферада сув буғлари бўлмагандан ер сиртидаги ҳаво ҳарорати 25 °C қийматда пасайган бўлар эди. Худди шу каби атмосферада карбонат антидрид бўлмагандан ҳарорат 6 °C га пасайди.

Қуруқлик ва океанларнинг нотекис тақсимланиши намлиқ ва иссиқлик айланиши жараёнларида мұхим аҳамиятта эга. Атмосфера ва океаннинг умумий циркуляцияси таъсирида асосий иқлим минтақалари шакланади. Иқлим ҳосил қулувчи табиий омилларни аниқлашада бошқача ёндошув ҳам мавжуд бўлиб, унда қуиңдаги учта гуруҳ ажратилади: радиацион, географик ва циркуляцион (1.1 – расм).

Радиацион омиллар. Уларга ер сирти, атмосфера ва умуман Ер сайдераси радиацион режимини шакллантирувчи омиллар киради. Булар, биринчидан, қуиңдаги астрономик омиллардир:


- қуёш доимийси қиймати;
- Қуёшнинг оғиши;
- кун соатлари.

Иккинчидан, унга қуиңдаги метеорологик омиллар киради:

- атмосфера таркиби, ундаги аэроздоллар ва сув буғларининг миқдори;
- атмосфера тиниқлиги, аэроздоллар ва сув буғлари концентрациясига боғлиқ;
- булутлилик миқдори ва тури;
- ер сирти альбедоси, ер сиртининг типи ва ҳолати билан аниқланади;
- ер сирти намлиги ва ҳарорати.

Санаб ўтилган омиллар ер сирти ва атмосфера радиацион баланси ҳамда уни ташкил этувчилар (тўғри, сочилган ва йигинди радиация, эффектив нурланиш)нинг кунлик ва йиллик ўзгаришларига сабаб бўлади.

1.1-расм. Иқлимий системанинг схематик тасвири



Манба: IPCC 1995

Географик омиллар. Улар құйидағи күрсаткичлар билан аниқланади:

- жойнинг географик кенглиги;
- материклар ва океанларнинг географик тақсимланиши;
- Дуне океанининг ўлчамлари, массаси ва таркиби;
- Ер сирти ва океанлар туби рельефи;
- денгиз сатхига нисбатан баландлығи;
- ўсимлик, қор ёки музлик қопламининг мавжудлығи;
- совуқ ва илиқ океан оқимлари;
- Ернинг ўлчами ва массаси.

Географик кенглик иқлимининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Иқлим элементларининг минтақалар бүйіча тақсимланиши, яғни зоналлiği мана шу омил билан боғлиқдیر.

Денгиз сатхига нисбатан баландлық ҳам иқлимининг географик омили ҳисобланади. Чунки баландлық бүйіча атмосфера босими камая боради, Құёш радиацияси ва эффектив нурланиш ортади, ҳарорат ва унинг күнлик амплитудаси камайиб боради. Худди шу каби ҳаво намлиги ҳам камая боради, шамолнинг тезлиги ва йұналиши эса анча мураккаб тарзда ўзгариади. Тоғларда булаттык ва атмосфера ёғинларининг ўзгариши ҳам ўзига хос тарзда кузатиласы. Натижада тоғларда иқлимининг баландлық бүйіча зоналлiği вужуда келади.

Иқлимий шароитнинг баландлық бүйіча ўзгаришининг кенгликка боғлиқ ҳолда горизонтал йұналишда ўзгаришига нисбатан анча тез суръатларда кечишини алоқида таъкидламоқ зарур.

Материклар ва океанларнинг географик тақсимланиши иқлимининг асосий омиллариңдандир. Иқлимининг денгиз ва қуруқлық типларига бүлиниши худди мана шу омиллар билан боғлиқдир.

Ер сирти орографиясы (рельеф шакллари) ҳам иқлимга ўзига хос таъсир күрсатади. Тоғлардаги иқлимий шароит нафақат жойнинг денгиз сатхига нисбатан баланддигига, балки рельеф шаклларига, хусусан тоғ тизмаларининг баландлығи ва йұналишига, ёнбағларнинг Құёш нурларига нисбатан экспозициясига, маҳаллий шамолларнинг йұналишига, водийларнинг кенглиги ва ёнбағларнинг қиялиги ва бошқаларга ҳам боғлиқдир.

Океан оқимлари денгизлар юзаларыда ҳарорат режимининг кескин фарқланишига сабаб бўлади ва шу йўсинда ҳарорат ва ҳаво намлигининг тақсимланишига ҳамда атмосфера циркуляциясига таъсир күрсатади.

Ўсимлик, қор ва музлик қоплами. Етарли даражада зич бўлган ўсимлик қоплами тупроқ ҳарорати күнлик амплитудасини камайтиради ва унинг ўртача ҳароратини пасайтиради. Аниқки, ўсимлик қоплами ҳаво ҳароратининг күнлик амплитудасини ҳам камайтиради. Ўрмонлар эса иқлим шароитига анча сезиларли, ўзига хос ва мураккаб таъсир күрсатади. Таъкидлаш лозимки, ўсимлик қопламининг таъсирин асосан микроклимий аҳамият касб этади. Қор ва музлик қоплами тупроқдан иссиқлик йўқотилишини ва тупроқ ҳароратининг тебраниш амплитудасини камайтиради. Лекин қор ва музлик қоплами юзаси кундузи Құёш радиациясини кучли даражада қайтаради, тунги соатларда эса нурланиш натижасида кескин совийди.

Циркуляцион омиллар ўрта ва юқори тропосфера да ийрик миқёсдаги оқимлар тизимининг шаклланишига сабаб бўлади ва уларни атмосферанинг умумий циркуляцияси (АҮЦ) деб аташ қабул қилинган. Планетар миқёсдаги баланд фронтал зоналар ва иқлимий фронтлар мазкур

циркуляциянинг асосий компонентлари дир. Иқлимий фронтлар асосий ҳаво массаларини бир – биридан ажратади. АУЦнинг асосий сабаблари қўйидаги омиллардир:

- қутбларда ва экваториал кенгликларда ер сирти ва ҳавонинг бир хил исимаслиги;
- материклар ва океанларнинг тақсимланиши;
- океан оқимлари;
- Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши натижасида вужудга келадиган марказдан қочма куч (Кориолис кучи);
- йирик төф массивлари кўринишидаги орографик шароит.

Санаб ўтилган сабаблар таъсирида тропосфера атмосфера ҳаракати марказлари (АХМ) шаклланади.

Атмосфера ҳаракати марказлари (АХМ) иқлимшунослик нуқтаи – назаридан паст (циклон) ёки юқори (антициклон) босимли областларни ифодалайди. Улар мавжуд бўлган районларда статистик натижка сифатида бир хил белгили барик система устувор бўлади. Ушбу марказларнинг тақсимланиши, берилган сатҳда атмосфера умумий циркуляцияси оқимларининг ўртача тақсимланишини белгилаб беради.

Ўрта Осиё об – ҳавоси ва иқлимига йилнинг иссиқ даврида энг кўп таъсирини Азор антициклони ва Осиё термик депрессияси, совуқ ярим йиллиқда эса Сибир совуқ антициклони кўрсатади. АХМнинг ўзаро таъсиrlашуви йирик квазизонал иқлимий минтақалар ёки зоналарнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Иқлимий минтақа – Ер шарини маълум кенглиқда ўраб турган ва маълум иқлимий кўрсаткичлар билан характерланадиган областдир. Атмосфера умумий циркуляцияси шарт – шароитларига мос равишда қўйидаги иқлим минтақалари фарқланади:

1. **Паст босимли экваториал зона (экваториал ботиқ):** йил давомида термик экваторнинг кўчишига мос равишда силжиди, бу минтақа ёғингарчилкнинг кўплиги билан ажralиб турди ва унда қуруқ даврлар деярли кузатилмайди;

2. **Юқори босимли икки субтропик зона:** улардан экватор томон пассат шамоллар эсиб турди ва қуруқ, яъни ёғингарчилк кам бўлган даврларнинг устунлиги билан характерланади;

3. **Мўътадил кенгликлардаги паст босимли иккита зона:** циклонлар тақрорланувчанлигининг катталиги, тропосферанинг ўрта ва юқори қатламларида гарбий оқимларнинг устуворлиги ҳамда атмосферага материклар ва океанлар таъсирининг мавсумлар бўйича ўзгарувчанлиги билан ажralиб турди. Улар бир – биридан кескин фарқ қиладиган иқлимий мавсумларнинг алмашиниши, иқлимининг континенталлик даражасининг турли – туманилиги ва атмосфера ёғинарнинг нисбатан кўплиги билан фарқланади;

4. **Иккита қутбий област:** ер сиртида юқори босимли, ўрта ва юқори тропосферада эса циклонлар мавжуд бўлади. Улар иқлимининг ўта кескинлиги ва ёғин миқдорининг камлиги билан ажralиб турди.

Юқорида қайд этилган асосий зоналардан ташқари қўйидаги оралиқ зоналар ҳам мавжуд:

1. **Иккита субэкваториал минтақа** 1/ки экваториал муссонлар минтақаси:

 улар баъзан паст босимли экваториал зона таъсирида, баъзан эса пассатлар таъсирида бўлади. Бу минтақалар бир ёки икки жуфтлиқдаги анча нам ва жуда қуруқ мавсумлари билан характерланади.

2. **Иккита субтропик иқлим минтақалари,** улар ёзда субтропик антициклонлар таъсирида бўлса, қишида эса мўътадил кенгликлардаги циклонлар таъсирида бўлади.

1.2.2. Иқлим ҳосил қилувчи жараёнлар

Иқлим ҳосил қилувчи алоҳида омилларнинг ўзаро таъсиrlашуви Ер шарида ва унинг алоҳида қисмларида иқлимий шароитни яратади. Ана шундай ҳолатларни иқлим ҳосил қилувчи жараёнлар деб аташ қабул қилинган. Уларга қўйидагилар киради: иссиқлик алмашинуви, намлик алмашинуви, умумий ва маҳаллий атмосфера циркуляциями.

Иссиқлик алмашинуви – бу ер сирти ва атмосфера тизимида иссиқликни қабул қилиб олиш, узатиш, кўчириш ва йўқотиш жараёнидир. Иссиқликнинг кириб келиши ва сарфланиши радиациянинг йўқотилиши ва атмосфера ҳамда ер сиртининг нурланиши кўринишларида ёки бошқа радиацион бўлмаган йўллар билан ҳам кузатилиши мумкин. Уларга молекуляр ва турбулент иссиқлик ўтказувчанлик ҳамда атмосферада сувнинг бошқа ҳолатларга ўтишидаги иссиқлик узатиш жараёнлари киради. Анча катта миқдордаги иссиқлик адвекция (иссиқлик ва совуқликнинг ҳаво оқимлари билан горизонтал қучиши) йўли билан узатилади.

Намлик алмашинуви – бу буғланиш, атмосферада сув буғларнинг кўчиши, уларнинг булутилик ва туманларнинг ҳосил бўлиши билан биргалиқда кечадиган конденцияланиши, ёғинарнинг ёғиши ва, ниҳоят, оқим ҳосил бўлиш ҳодисаларидан таркиб топган иқлим ҳосил қилувчи жараёндир. Шундай қилиб, ер сиртидан сувнинг атмосферага кўтарилиши ва яна қайтиб ер сиртига тушиши узлуксиз давом этади.

Маҳаллий циркуляция нисбатан унча катта бўлмаган юзада кечадиган атмосфера циркуляциясидир. У баъзан қуруқлик – сув чегараларида ҳарорат фарқлари туфайли (бриз шамоллари) юзага келса, баъзан ер сиртининг бир хил эмаслиги натижасида (төф – водий шамоллари, фёнлар ва бошқалар) пайдо бўлади.

Барча иқлим ҳосил қилувчи омиллар ўзаро боғлиқдир, масалан, ер сирти атмосферасининг иссиқлик режимига булутилик таъсири этади, чунки у Қўёшдан келаётган тўғри радиация оқимини тўсиб қолади. Ўз навбатида булуторлар намлик алмашинуви элементларидан бири ҳисобланади. Иқлимининг ҳар бир элементи режими иқлим ҳосил қилувчи ҳар уччала жараёнларининг ўзаро таъсиrlашуви натижасиdir. Ер шарида атмосфера ёғинарнинг тақсимланиши бунинг ёрқин мисолидир, чунки атмосфера ёғинарнинг ҳосил бўлишида намлик алмашинуви ҳам, иссиқлик алмашинуви ҳам, атмосфера умумий циркуляцияси ҳам иштирок этади.

1.2.3. Антропоген омиллар

Минглаб йиллар давомида инсоннинг хўжалик фаолияти уни ўраб турган иқлимий шароитта мослашган, лекин, ушбу фаолиятнинг иқлимга ижобий ёки салбий таъсири эътиборга олинмас эди. Ер аҳолиси учун кўп бўлмаган ва инсоннинг энергетик нуқтаи – назардан қуромланиш даражаси нисбатан қичик бўлган даврларда антропоген омилнинг табиатга кўрсатган таъсири иқлим барқарорлигини ўзгартиргмаган. Лекин, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, инсон фаолияти шу миёғесда кучайиб бордики, энди инсон хўжалик фаолиятининг иқлимга кўрсатаётган таъсирини ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ, эди.

Иқлиминг антропоген омилларига қўйидагилар киради:


1. Инсон хўжалик фаолиятининг атмосферанинг кимёвий таркиби таъсири: турли органик ёқилғиларни ёкиш натижасида атмосферага карбонад ангирид ва бошқа иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи газларнинг ҳамда турли туман саноат аэрозолларининг чиқариб ташланиши ушбу таъсири билан боғлиқдир;

2. Инсон хўжалик фаолиятининг жуда катта ер массивларини ҳайдаш, ўрмонларни йўқ қилиш, яйловларда чорва моллари сонини кўпайтириш ва бошқа йўллар билан ер сирти ҳолатига кўрсатадиган таъсири. Буларнинг ҳаммаси ер сирти альбедосининг ўзгаришига ҳамда иссиқлик ва намлик алмашинувига жараёнларининг ўзгаришига олиб келади;

3. Иқлимий системанинг алоҳида компонентларига маҳаллий таъсири кўрсатиш. Буларга иссиқлик ҳосил қилувчи қурилмаларнинг атрофни ифлослантириши, янги сув омборларини яратиш ва кўллар деградацияси (Орол денгизи каби), арид минтақаларда ўсимлик қопламини яксонлаш кабилар киради;

4. Атмосфера – океан – қуруқлик тизимида кечадиган намлик алмашинувига таъсири. Буларга булатликка кўрсатиладиган таъсири, сугориладиган ерларда буғланиши ва бошқалар киради;

1.2 – расм. Саноатлашиш даврида инсоннинг атмосферага таъсири



Манба: МГЭИК 2001

5. Хўжалик фаолиятининг турли кўринишларида инсон томонидан истеъмол қилинадиган энергия атмосферанинг қўшимча исишига олиб келади. Инсон томонидан истеъмол қилинадиган барча энергия иссиқликка айланади, таъкидлаш лозимки, ана шу иссиқлик атмосфера учун қўшимча энергия манбаи бўлиб хизмат қилади ва ҳароратнинг кўтарилишига олиб келади.

Кўмир, нефть, табиий газ, атом энергияси (ҳозирги давр учун ютилган Қуёш энергиясига нисбатан) қўшимча иссиқлик манбалари ҳисобланади.

Сув энергияси ва ёғоч ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида мавжуд бўлган энергия Ернинг йил давомида ютадиган Қуёш радиациясининг ўзгарган энергия шаклидир. Ушбу кўринишлардаги энергия сарфланиши Ернинг иссиқлик балансини ўзgartирмайди ва унинг қўшимча исишига олиб келмайди. Иккинчи томондан улар инсон истеъмол қиласиган энергиянинг кичик қисмини ташкил этади.

Энергия истеъмолининг келажақдаги ўсиши натижасида инсон хўжалик фаолияти туфайли ажralиб чиқадиган иссиқлик миқдори Қуёш радиацияси энергиясининг сезиларли қисмини ташкил этиши мумкин. Бу эса глобал иқлимини исиш томон ўзгаришига олиб келади.

Атмосферадаги аэроздол иқлимий шароитта анча мураккаб таъсир кўрсатади, чунки аэроздол заррачалари икки хил кўринишда таъсир этади: улар ҳам қисқа тўлқинли, ҳам узун тўлқинли радиацияни сочиб юбориши ёки йўқотиши мумкин. Инсон хўжалик фаолияти таъсирида атмосферада аэроздоллар миқдорининг ортиши атмосфера радиацион режимининг ўзгаришига олиб келади, оқибатда ҳаво ҳам совуши, ҳам исиши мумкин.

1.3. Иқлим назарияси – иқлим ўзгаришини олдиндан билишининг асоси

Юқорида кўриб ўтганимиздек, иқлимий система жуда мураккаб ва атмосфера, гидросфера, криосфера, литосфера ва биосферадаги жараёнларни ҳисобга олишни талаб этади. Шунинг учун ҳам масаланинг ҳамма томонларини ҳисобга оладиган иқлим назариясини яратиш ўта мураккаб вазифадир. Бу вазифани ҳал этишнинг бош йўли – иқлимий системанинг математик моделини тузишадир. Бундай моделларда система компонентлари ҳолатини ифодалайдиган ва системада рўй берадиган табиий жараёнларни у ёки бу даражада ҳисобга оладиган ҳамда бошланғич ва чегара шартлар қабул қилинган гидродинамик тенгламалар системалари тузилади.

Ҳозирги кунда турлича мураккаблиқдаги бундай моделлар кўпилаб тузилган бўлиб, уларда ҳозирги ва ўтган даврлардаги иқлимининг характерли қирралари акс этган ҳамда келажақдаги иқлим прогноз қилинган.

Қўйида М.И.Будико томонидан тузилган иқлимининг биринчи модели асосида Ер ҳароратининг ўзгариши ҳақидаги жуда содда фикр – мулоҳазаларни келтирамиз.

Маълумки, Ерда нурлар мувозанати қарор топган. Бунинг маъноси шуки, Ерга тушадиган Қуёш радиацияси ундан қайттан радиацияни олиб ташлаганда Ернинг нурланиши билан тенглапшиши лозим:

$$\begin{aligned} \pi r^2 S_0 (1 - A_s) &= 4\pi r^2 \delta \sigma T_s^4 \\ \text{ёки} \\ \frac{1}{4} S_0 (1 - A_s) &= \delta \sigma T_s^4, \end{aligned} \quad (1.1)$$

бу ерда S_0 – қуёш доимийси, $A_s = 0,30$, Ер альбедоси, $\delta = 0,95$ – Ер сирти нурланиши коэффициенти, $\sigma = 5,660 \cdot 10^{-8} \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{К}^4)$ - Стефан – Больцман доимийси, T_s – Ердан қайттан нурланиш ҳарорати. Кўриниб турибдики, $S_0 = 1367 \text{ Вт}/\text{м}^2$ ва $A_s = 0,30$ бўлганда, – Ердан қайттан нурланиш ҳарорати $T_s = 258 \text{ }^{\circ}\text{C} = -15 \text{ }^{\circ}\text{C}$ бўлади. Амалда эса Ер сиртида ўртача глобал ҳаво ҳарорати $15 \text{ }^{\circ}\text{C}$ га тенг, яъни Ердан қайттан нурланиш ҳарорати Ер сиртидаги ўртача глобал ҳаво ҳароратидан $30 \text{ }^{\circ}\text{C}$ га фарқ қиласи. Ер сиртида ҳавонинг бундай исиши атмосферанинг иссиқхона эффекти туфайлидир. Лекин бу ҳолат (1.1) ифодада ҳисобга олинмайди. Агар тропосферада ҳароратнинг вертикал градиенти $0,6 \text{ }^{\circ}\text{C} / 100\text{м}$ деб қабул қилинадиган бўлса, у ҳолда Ердан қайттан нурланиш ҳарорати 5 км баланликка тўғри келади.

Атмосферанинг иссиқхона эффектини ҳисобга олиш учун М.И.Будико қўйидағи эмпирик ифодани таклиф этди:

$$E_s = A + BT_s, \quad (1.2)$$

бу ерда $A = 203,3 \text{ Вт}/\text{м}^2$; $B = 2,09 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{ }^{\circ}\text{C})$ - эмпирик константалар бўлиб, булатлилик ва бошқа радиацион фаол аралашмаларни маълум даражада ҳисобга олади, E_s – Ердан қайттан узун тўлқинли нурланиш. Ер қабул қилиб оладиган Қуёш радиациясини ундан қайттан узун тўлқинли нурланиш билан тенглаптирамиз:

$$\frac{1}{4} S_0 (1 - A_s) = A + B T_s. \quad (1.3)$$

Натижада $A_s = 0,30$ бўлганда, $T_s = 16,6 \text{ }^{\circ}\text{C}$ қийматта эга бўламиз. Бу рақам шимолий ярим шар учун аниқланган ўртача ҳаво ҳарорати билан мос келади.

М.И.Будико модели кенглик минтақалари бўйича ўртача йиллик ҳароратнинг тақсимланишини баҳолашга имкон беради. Бунинг учун айrim кенглик минтақаларида ҳароратта нафақат радиация

таъсирини, балки иссиқликнинг атмосфера ва гидросфера даги горизонтал оқимларини ҳам ҳисобга олиш лозим. М.И.Будико ҳар бир кенглик минтақасида Ер – атмосфера системасининг радиацион баланси

$$\left[\frac{1}{4} S_0 (1 - A_s) - (A + BT_s) \right]_\varphi \text{ горизонтал иссиқлик оқимининг } F_\varphi = \beta(T_{s\varphi} - \bar{T}_s) \text{ тенглик билан}$$

ифодаланувчи қийматлари билан мувозанатлашади, деган фаразни асослайди. Бу ерда $T_{s\varphi}$ – φ кенглик

минтақасидаги ўртача ҳарорат, \bar{T}_s – шимолий ярим шар майдони бўйича $T_{s\varphi}$ нинг ўртача йиллик қиймати, $\beta = 3,75 \cdot 10^4 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot {}^\circ\text{C})$ – эмпирик константа. Юқоридағилардан келиб чиқиб,

$$\frac{S_0}{4} (1 - A_s) - (A + BT_{s\varphi}) = \beta(T_{s\varphi} - \bar{T}_s) \quad (1.4)$$

тenglamani $T_{s\varphi}$ га нисбатан ечиб, φ кенглик минтақасидаги ўртача йиллик ҳароратни ҳисоблаш ифодасига эга бўламиз:

$$T_{s\varphi} = \frac{\frac{S_0}{4} (1 - A_s) - A + \beta \bar{T}_s}{\beta + B}. \quad (1.5)$$

Биз юқорида иқлимнинг М.И.Будико таклиф этган энергобаланс модели ҳақида тасавур ҳосил қилишга ҳаракат қилдик. Ушбу модел асосида иқлимий системанинг биргина параметри – ихтиёрий кенглик минтақасидаги ўртача ҳароратни олдиндан ҳисоблаш мумкин. Ҳозирги кунда иқлимнинг аста – секин мураккаблаша борувчи қатор моделлари яратилган. Булар анча мураккаб бўлган радиацион – конвектив, зонал ва уч ўлчамли энергобаланс моделлардир. Уларда иқлим ҳосил бўлишига таъсир этувчи табиий жараёнлар ҳар хил ҳолатлардаги ҳисобга олинади. Айрим моделлар иқлимий системанинг фақат иккита ташкил этувчиси – атмосфера ва океанин камраб олса, бошқалари иқлимини атмосфера – океан – музиклар системасида ўрганади. Ушбу моделларни ҳатто қисқача ёритиш масаласи ҳам мазкур қўлланма вазифасига кирмайди.

2. ИССИҚХОНА ЭФФЕКТИ ВА ИҚЛІМ

2.1. Иссиқхона эффекти ҳақида

Иссиқхона эффекти механизминің қуидагы түшунтириш мүмкін: карбонат аңғидрид гази қопламидан Құёш радиациясы қисқа тұлқынли спектр қисміда бемалол үтиши мүмкін, лекин үнде ер сиртідан бўладиган узун тұлқынли нурланиш сезиларни даражада ютилади. Шунинг учун ҳам атмосферада карбонат аңғидрид гази массасининг ортиши натижасыда үндан қуидә жойлашган ҳаво қатламида ҳарорат кўтарилади. Бу эса глобал исишининг ўсишига олиб келади.

Ер иқлимига Қуёш энергиясининг доимий оқими таъсир кўрсатади. Ерга келаётган энергиянинг 30 % яна космосга қайтади. Тахминан 15 % атрофидағи энергия атмосферада ютилади. Қолган катта қисми атомсферадан ўтиб, ер сиртини иситади.

Ер ушбу энергияни космосга узун тұлқынли инфрақизил нурланиш кўринишида қайтаради. Атмосферада мавжуд бўлган «**Иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи газлар**» ернинг инфрақизил нурланишини тўсіб қолади ва уни космосга үтишига имкон бермайди.

Асосий иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи газларга сув буғлари, карбонат аңғидрид, тропосферадаги азон, метан, азот оксиди, галоидуглеродлар ва саноат корхоналаридан чиқадиган газлар киради. Бу газларнинг барчаси, саноат корхоналаридан чиқадиган газларни ҳисобга олмаганда, табиий келиб чиқишилдири. Уларнинг ҳаммаси биргалиқда атмосферанинг 1 % дан камроғини ташкил этади. Лекин «табиий иссиқхона эффекти»ни яратиш учун шунинг ўзи етарли. Шу туфайлигина сайёрамиз ҳарорати у йўқ деб ҳисоблангандағига нисбатан 30 °C юқоридир. Бу нарса биз билган Ердаги ҳаёт учун ўта муҳим ҳисобланади.

Асосий иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи газлар миқдори (сув буғларини киритмаса ҳам бўлади) антропоген фаолият таъсирида ортади. Карбонат аңғидрид чиқиндилири атомсферага аксарият ҳолларда кўмир, нефть ва табиий газ, метан ва азот оксидини ёкиш натижасыда келиб қўшилади. Охиригилари, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ва ердан фойдаланишнинг ўзгариши натижасыда ҳосил бўлса, аzon, автотранспорт воситаларидан фойдаланишда ва бошқа манбалардан чиқувчи газлардан шакланади. Юқоридагилардан ташқари саноат корхоналаридан чиқадиган хлорфтогеродлар (ХФУ), гидрофтогеродлар (ГФУ), перфтогеродлар (ПФУ) каби узоқ яшовчи газлар ҳам атмосферанинг энергияни ютиш қобилиятини ўзгартиради. Сув буғлари миқдори ҳам юқоридагиларнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда ортиши мүмкін. Буларнинг барчаси жуда тез рўй беради. Натижада «кучайтан иссиқхона эффекти» вужудга келади. Иқлимий система глобал «энергетик баланс» ни сақлаши учун атмосферадаги газлар миқдорининг ортишига мослашиши лозим. Узоқни кўзлаб қараганда, Ер ўзидағи мавжуд энергиядан шундай тезлиқда халос бўлиши керакки, бу жараён Қуёшдан келаётган энергия жадаллигига тенг бўлиши лозим. Иссиқхона эффектини ҳосил қилувчи газларнинг анча зич қоплами космосга кетаётган энергия оқимини камайтирас экан, кириб келаётган ва чиқиб кетаётган энергия балансини тиклаш учун ҳам иқлум маълум даражада ўзгариши лозим.

Мослашиш жараёни Ер сирти ва атмосфера қуий қатламларининг «глобал исиши»дан иборатдир. Бироқ бу умумий жараённинг бир қисмидир. Исиш иқлим учун ортиқча энергиядан қутилишнинг энг оддий усулидир. Лекин ҳароратнинг жуда кичик кўтарилишлари ҳам кўплаб ўзгаришлар билан биргалиқда кечади. Масалан, булатлик қоплами ва шамоллар ўзгаради. Ушбу ўзгаришларнинг айримлари исишига кучайтирувчи омил сифатида (ижобий тескари боғланиш) таъсир этса, бошқалари унга тескари таъсир (салбий тескари боғланиш) кўрсатади.

Бир вақтнинг ўзида сунъий келиб чиқиши аэроздоллар умумий совутувчи эффектга эга бўлади. Кўмир ва нефть ҳисобига ишлайдиган иссиқлик электростанцияларидан чиқадиган олтингутргут ҳамда органик материалларнинг ёниши микроскопик заррачаларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Улар ўз навбатида Қуёш радиациясини космосга қайтаради ҳамда булатларга таъсир кўрсатади. Бунинг натижасыда келиб чиқадиган совиши жараёни иссиқхона эффекти туфайли вужудга келган исишига тескари таъсир кўрсатади. Лекин бундай аэроздоллар атмосферада иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи анча барқарор ҳисобланган газларга нисбатан узоқ вақт мавжуд бўла олмайди. Шунинг учун уларнинг совитувчи таъсири маҳаллий характерга эга. Улар кислотали ёмғирларнинг ва ифлосланган ҳавонинг сабабчилари бўлиб, ҳал этилиши лозим бўлган маълум муаммоларни келтириб чиқаради. Кўриниб турибдик, биз аэроздолларнинг совитувчи эффектини ўрганиш билангина чегараланиб қолмаслигимиз лозим.

Иқлимий моделларга кўра 2001 йилга келиб, глобал ўртача ҳарорат қарийб 1,4 – 5,8 °C га кўтарилади. Ушбу прогнозда 1990 йил асос сифатида фойдаланилган ва үнда иқлум ўзгаришини камайтирадиган ҳеч қандай чора тадбирлар кўрилмайди, деб қабул қилинган. Үнда иқлимининг жавоб реакцияси ва аэроздоллар эффекти ҳам ҳозирги тушунчалар даражасыда ҳисобга олинган.

Ўтган даврлардаги чиқиндилярнинг ўзиёқ маълум иқлум ўзагишиларни белгилаб берди. Иқлим чиқиндилар таъсирини тез фурсатда намоён қила олмайди. Шунинг учун у юзлаб йиллар давомида ўзарышни давом эттиради, ҳатто иссиқхона эффектини ҳосил қилувчи газлар камайтирилган ва уларнинг атмосферадаги миқдори барқарорлашган бўлса ҳам. Иқлим ўзгариши туфайли келиб чиқсан айрим муҳим таъсирлар, жумладан, дengiz сатхининг прогноз қилинаётган кўтарилиши яна узоқ йиллар давом этиши тўла тан олинади. Бутунги кунда янги ва янада ишончли далиллар мавжуд бўлиб, улар иқлим ўзгаришининг бошланганлигидан далолат беради. Иқлим табиий ҳолатда ўзгариши ва бу билан иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи газлар концентрациясининг ортиши туфайли юзага келган таъсирни баҳолашни мураккаблаштиради. Шунга қарамасдан кенг миқёсдаги кузатиш маълумотлари сайёрамизда ҳарорат кўтарилишининг умумий манзарасини акс эттирмоқда. Масалан, охирги бир неча ўн йилликлардаги ҳарорат ўзгаришлари модел ҳисоблашлари асосида олдиндан айтилган иссиқхона эффекти туфайли исишига

мос келмоқда. Ушбу ўзгаришлар – тенденцияларнинг табиий келиб чиқишили эканлиги эҳтимолдан анча йироқдир. Умуман олганда, кўп нарсалар, жумладан, буутлик қопламининг ўзгариши келажақда иқлимнинг ўзгаришига қай йўсинда таъсир кўрсатиши ҳали ҳам ноаниқдир.

2.2. Иссикхона эфекти ҳосил қилувчи газлар ва аэроллар

Атмосферадаги иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газларнинг таркиби «манбалар» ва «оқимлар» ўргасидаги фарқлар билан аниқланади.

Манбалар – иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар ҳосил бўлишига олиб келадиган жараёнлардир.

Оқимлар – иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газларнинг сўниши ва ютилиши кузатиладиган жараёнлардир.

Саноат корхоналарида ҳосил бўладиган ХФУ ва ГФУ каби газлардан ташқари иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар Ер атмосферасида миллион йиллар илгари табиий ҳолатда пайдо бўлган. Шу билан бир вақтда инсон иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар миқдорига янги манбалар яратиш ёки табиий оқимлар фаолияти механизмини ўзгартириш йўли билан таъсир кўрсатмоқда.

Табиий иссиқхона эфектига таъсир кўрсатадиган асосий омил – сув буғларидир. Атмосферада унинг мавжуддиги антропоген фаолият билан бевосита боғлиқ эмас. Қайд этиш лозимки, сезиларли «ижобий тескари боғлиқлик» натижасида сув буғлари иқлим ўзгаришида муҳим ўрин эгаллайди. Иссиқ ҳаво ўзида катта миқдордаги намликни ушлаб туриши мумкин. Бунинг натижасида, моделлаштириш асосида ишлаб чиқилган прогнозларга кўра, унча катта бўлмаган глобал исиси глобал миқёсда сув буғлари миқдорининг ортишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида иссиқхона эфектининг кўчайишига ҳисса қўшади. Иқлими жараёнларни булат қопламини ва ёғинларни ҳисобга олиб моделлаштириш анча мураккаб бўлганлиги учун юқоридаги ҳолатта нисбатан жавоб реакциясининг аниқ миқёслари ҳозирча ноаниқлигича қолмоқда.

Ҳозирги кунда «кучайган иссиқхона эфекти»да карбонат ангиридинг ҳиссаси 60% дан ортиқни ташкил этади. Бу газ атмосферада табиий ҳолатда пайдо бўлган. Лекин «қазилма кўринишдаги ёқилфилар» деб аталувчи кўмир, нефть ва табиий газни ёкиш улар таркибида мавжуд бўлган углероднинг жадал суръатларда ажралишига олиб келади. Ҳудди шу каби ўрмон ёнғинлари вақтида дараҳтлар таркибида углерод ажралиб чиқади. Ҳозирги кунда карбонат ангиридинг йиллик чиқиндилари миқдори 23 миллион тоннадан ортиқ бўлиб, бу қиймат унинг атмосферада мавжуд бўлган умумий миқдорининг бир фоизига яқиндир.

Антропоген фаолиятнинг маҳсул бўлган карбонат ангирид табиий углерод циклига қўшилиб кетади. Ҳар йили атмосфера, океанлар ва Ер сиртидаги ўсимлик қоплами орасида кўплаб миллион тоннадаги углерод қатнашадиган табиий айланма ҳаракат рўй беради. Ушбу кенг қамровли ва мураккаб табиий системадаги ўзаро алмашув аниқ мувозанатлашган. Саноатлашган даврдан оддинги 10 000 йил давомида атмосферадаги карбонат ангирид миқдори 10 % атрофида ўзгарган. Лекин охирги 200 йил давомида, яъни 1800 йиллардан бошлаб, унинг миқдори 30% га кўтарилиган. Антропоген фаолиятнинг маҳсул бўлган карбонат ангирид чиқиндиларининг ярми океанлар ва ўсимликлар томонидан ютилади, деб ҳисоблаганде ҳам унинг атмосферадаги миқдори ҳар 20 йил давомида 10% га ортоқда.


Дунёда атмосферада мавжуд бўлган карбонат ангиридни энг узоқ узлуксиз ўлчашлар доктор Чарльз Килинг томонидан амалга оширилган. У ўз ўлчашларини 1958 йилда Гавай ороллардаги Мауна Лоа шаҳрида бошлаган (2.1 – расм).

Аэроллар иқлимга антропоген таъсирнинг муҳимлиги жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Микроскопик заррачалардан ташкил топган бундай буутлар иссиқхона эфектини ҳосил қилувчи газлардан фарқ қиласди. Турли табиий манбалардан ташқари улар олтингугурт гази таъсирида пайдо бўлади. Бундай газлар эса электростанцияларда, ўрмон ёнғинлари тутинларида ва қишлоқ хўжалик экинларини ёкишда пайдо бўлади. Аэроллар ҳавода бор – йўғи бир неча кун сақланиб туради. Лекин улар шундай катта миқдорда чиқариб ташланадики, натижада иқлимга сезиларли таъсир кўрсатади.

Аэроллар таъсири туфайли Қуёш радиациясининг космосга қайтиши ва кўплаб аэролларнинг буутларга таъсир кўрсатиши оқибатида иқлимининг маҳаллий совуши кузатилади. Аэроллар заррачалари Қуёш радиациясини бевосита ютиши ва бу билан буутлар ҳосил бўлишининг биринчи манбалари сифатида хизмат қилиши мумкин. Бу ҳолат ҳам кўпинча совитувчи эфекттга эга бўлади. Саноат районларида аэроллар туфайли совуш бутунги кунда иссиқхона эфектини ҳосил қилувчи газлар миқдорининг ортиши натижасида юзага келган иситувчи таъсирни бутунлай йўққа чиқариши ҳам мумкин.

Саноатлашган давр бошидан бўён атмосферадаги метан миқдори 2,5 марта ортган. Иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар миқдорининг ортишига қўшилган ушбу ҳиссада тоғ жинслари отвалларидан чиқадиган метан ва кўмир конларидан фойдаланишда ҳамда табиий газ қазиб олишда чиқиб кетадиган газларнинг миқдори ўзига хосдир. Бутунги кунда оддинги даврлардагига нисбатан метан чиқиндиларининг «кучайган иссиқхона эфекти» га қўшган ҳиссаси 20 % ни ташкил этади. Метан миқдорининг тезда кўпайиши карбонат ангиридинг кўпайиш даврига нисбатан кечроқ бошланди, лекин унинг умумий чиқиндилар ҳажмига қўшган ҳиссаси тез суръатларда кечмоқда. Қайд этиш лозимки, атмосферада метаннинг сақланиш вақти ўртача 12 йилни ташкил этса, карбонат ангирид унга нисбатан анча чидамлидир, яъни у узоқ вақт сақланиб туради.

2.1–расм. Киллинг эгри чизиги – атмосферадан карбонат ангидрид концентрациясининг ўзариши (Мауна Лоа, Гавай ороллари)



Манба: Калифорния университетининг Скрипковский океанография институти

«Кучайган иссиқхона эффицити»нинг қолган 20 % и азот оксиди, саноат корхоналаридан чиқадиган айрим газлар ва азонга тўғри келади. Бугунда азот оксидининг миқдори 16 % га ортиб, бу асосан, қишлоқ хўжалигини юритишнинг интенсив шаклларидан фойдаланиш ҳисобига бўлди. Шу билан бир вақтда стратосфера қатламларини муҳофаза қилиш мақсадида (Монреал протоколи асосида) кўрилган чора – тадбирлар ҳисобига хлорфтогурлеродлар (ХФУ) миқдори барқарорлашди. Узоқ яшовчи ГФУ ва ПФУ ҳамда олтингугурт гексафториди каби газлар миқдори эса ортиб бормоқда. Стратосферада азон миқдори камайишига қарамай, айрим регионларда, атмосферанинг қуий қатламларида ҳавонинг ифлосланиши натижасида, унинг миқдори ортиб борища давом этмоқда.


Антрапоген фаолият таъсирида ҳосил бўлган иссиқхона эффицити ҳосил қилувчи газлар чиқиндилини ҳозирнинг ўзидаёқ глобал иссиқлик балансини тахминан $2,5 \text{ Вт}/\text{м}^2$ га ўзgartирди. Бу қиймат иқлимий система ҳолатини аниқловчи Қўёш энергияси тушишининг натижавий миқдорига нисбатан қарийб бир фойзни ташкил этади. Балки, ушбу рақамлар унчалик жиҳдийлик касб этмаслиги мумкин, лекин бутун Ер юзаси ўлчамини ҳисобга олсан, бир минутда 1,8 миллион тонна нефть ёниши натижасида ажralиб чиқадиган энергия миқдорига эга бўламиз. Бу эса ҳозирги кунда бутун дунёдаги энергия истеъмолини 100 га кўпайтирганига тенгdir. Бугунги кунда инсон томонидан фойдаланилаётган энергиянинг умумий миқдори иссиқхона эффицити ҳосил қилувчи газларнинг иқлимий системанинг табиий энергетик оқимларига кўрсатаётган таъсиirlари билан солиштирганда шу қадар кичикки, бу факт анча қийинчлик билан қабул қилинади. Чунки, иссиқхона эффицити ҳосил қилувчи газларнинг ўзи ана шу истеъмол қилинадиган энергиянинг маҳсулидир.

2.3. Иссиқхона эффицити ҳосил қилувчи газлар миқдорининг ўзариши ва келажак иқлими

Келажакка иссиқхона эффицити ҳосил қилувчи газлар чиқиндишлари миқдори аҳоли сони, иқтисодиёт, техника ва ижтимоий соҳаларнинг ривожидаги глобал тенденцияларга боғлиқдир. Бундаги аҳоли сони билан боғлиқлик анча аниқдир, чунки аҳоли сони қанча катта бўлса, чиқиндишлар миқдори ҳам шунча юқори бўлади. Иқтисодий ривожланиш билан боғлиқлик эса унча аниқ эмас. Маълумки, бой мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган чиқиндишлар миқдори камбағал мамлакатларга нисбатан каттадир. Шу билан бирга ҳалқ фаровонлиги даражаси бир хил бўлган мамлакатларда чиқиндишлар миқдори турлича бўлиши мумкин, чунки бунда кўп нарса уларнинг географик ўрнига, уларда мавжуд бўлган энергия манбаларига, энергиядан фойдаланишдаги самарарадорликка ва бошқаларга боғлиқдир.

Тегишли қарорларни қабул қилувчи шахслар учун қўлланма сифатида мутахассислар **келажак учун чиқиндишлар «сценариялари»**ни ишлаб чиқмоқдалар. Сценарий – бу олдиндан айтиш эмас. Бу оқибатни таҳлил қилишнинг ўзига хос усулидир. Бунда келажакдаги тенденцияларга оид олдиндан у ёки бу қўринишдаги фаразларга, шу жумладан иссиқхона эффицитини ҳосил қилувчи газларни камайтириш стратегиясига ҳам йўл қўйилади. Қабул қилинган фаразларга боғлиқ ҳолда (баъзан у умуман нотўғри ҳам бўлиши мумкин), сценарийлар асосида чиқиндишлар миқдорининг ортишини, барқарорлашишини ёки камайишини прогноз қилиш мумкин (2.2 – расм).

2.2-расм. Чиқиндиларнинг барқарорлашиши ва карбонат ангидрид концентрациясининг ҳароратга таъсири



Манба: МГЭИК 2001

Сценарийларни яратиш учун асос сифатида яқинда 4 та «**йўналишлар мазмуни**» ишлаб чиқилди. Ушбу 4 гурӯҳ сценарийлар 40 та алоҳида сценарийлардан таркиб топган.

Биринчи «йўналиш мазмуни» дунёни қўйидагича тасвирлайди: иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланади, аҳоли сони эса аср ўртасида энг катта қийматта етиб, кейинчалик камая боради, буларнинг барчаси янги ва энг самарали технологияларни тезда амалда қўллаш шароитида кечади.

Иккинчи «йўналиш мазмуни» биринчисига ўхшаш, лекин унда хизмат ва ахборот негизида анча тоза иқтисодиётта тезда ўтиш мўлжалланади.

Учинчisi дунёни қўйидагича тасвирлайди: атроф – муҳит ифлосланишининг ўсиши давом этади, иқтисодиётнинг ўсиш тенденцияси глобал характерга нисбатан регионал тус олади, аҳоли жон бошига иқтисодий ўсиш ва илмий техника тараққиёти анча секин суръатларда кечади ва катта хилма – хиллик билан ажralиб туради.

Тўртинчи «йўналиш мазмуни» шундан иборатки, унда барқарор ривожланиш муаммоси асосан маҳаллий ва регионал даражада ҳал этилади ва бу йўналиш аҳоли сонининг секин, бироқ ўзгармас суръатда ўсиши ва ўртача суръатдаги иқтисодий ривожланиш билан тавсифланади.

Ушбу йўналиш мазмунларининг биронтаси ҳам иқлим ўзгариши ҳақида Конвенцияни ёки Киото протоколи мақсадига эришиш йўлида чиқиндиларни чеклаш борасида қабул қилинган стратегияларни амалга оширишни назарда тутмайди. Шу билан бирга улар ёқилғининг қазиб олинадиган турларига ҳозирги кундагига нисбатан кам аҳамият берадиган сценариялардан иборатдир.

Ушбу йўналиш мазмунларига мос келадиган келажақдаги концентрациялар кенг оралиқда ўзгаради. Масалан, углерод циклига асосланган модел бўйича 2100 йилда карбонат ангидрид концентрацияси миллионга 540–970 заррачани ташкил этади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу саноатлаши давригача бўлган қийматта нисбатан 75–350% ни ташкил этади. Метан концентрациясининг прогноз қилинётган ўзгаришлари – 10%дан +120% гача, азот оксиди миқдорининг ортиши эса 13 – 47 % атрофида бўлади.

«Аралашиш чегараси»ни ҳисобга олувчи сценариялар иссиқхона эфектини ҳосил қилувчи газлар чиқиндиларни камайтиришга йўналтирилган шароитлар таъсирини ўрганиш мақсадида ишлаб чиқилган. Улар нафақат иқтисодий ривожланиш ва аҳоли сонининг ўсишига боғлиқ ҳолда қабул қилинган фаразлар, балки жамиятнинг иқлим ўзгариши стратегияси соҳасидаги реакциясига оид фаразлар билан ҳам боғлиқдир. Масалан, ёқилғининг қазиб олинадиган углеродга бой турларини солиқча тортиш масаласи ҳам ана шундай сценариялар билан боғлиқдир.

Ҳозирги кунда мавжуд бўлган Халқаро мажбуриятлар чиқиндилар миқдорини ортиш суръатларини жуда кичик қийматларда камайтиришга олиб келиши мумкин. Киото протоколига асосан 2000 йилда ривожланган мамлакатлар ўзларининг иссиқхона эфектини ҳосил қилувчи газлар чиқиндиларни 1990 йил даражасига камайтириши, 2008–2012 йилларда эса шунга нисбатан 5% га камайтириши лозим. Бундай мажбуриятлар муҳим ишларнинг бошланишидир, лекин улар пировард мақсад – атмосферадаги иссиқхона эфектини ҳосил қилувчи газлар концентрациясини барқарорлаштиришга жуда кичик ҳисса қўшишга имкон беради.


Иссиқхона эфектини ҳосил қилувчи газлар концентрациясини барқарорлаштириш учун кўп куч сарфлаш талаб этилади. Карбонат ангидрид концентрациясини 450 млн.^{-1} (ҳозиргига нисбатан қарийб 23% кўп) даражада барқарорлаштириш учун кейинги ўн йиллар давомида

чиқиндиарниг глобал миқёсини 1990 йилда ҳисобга олинган қийматта нисбатан ҳам камайтириш лозим. Карбонат ангирид концентрациясини 650 млн.^{-1} ёки 1000 млн.^{-1} даражада барқарорлаштириш учун 1 ёки 2 юз йиллик давомида юқоридагига ўшаш камайишни таъминлаш ҳамда ушбу барқарор камайишни ундан кейинги йилларда ҳам таъминлашга эришиш лозим. Охир оқибатда CO_2 чиқиндиарни миқдорини шундай даражагача камайтириш лозимки, аҳоли сонининг ўсиши ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига қарамай, унинг қиймати ҳозирги кундагига нисбатан унча катта бўлмаган фоизни ташкил этсин.

Дунё бўйича чиқиндиарни барқарорлаштириш ёки камайтириш инсон фаолиятининг барча соҳаларига таъсир кўрсатади. У ёки бу вариантнинг афзаллигини баҳолаш учун биз қуийдагиларни билишимиз лозим: у бизга қанчага тушади, агар биз чиқиндиар миқдорининг ортишига йўл қўйсак, унинг салбий оқибатлари қандай бўлади ва ҳоказо. Шу билан боғлиқ ҳолда ахлоқий пландаги қуийдаги мұхим саволлар ҳам пайдо бўлади: бизнинг набираларимиз яшайдиган XXII аср иқлими масъулияти учун қай даражада тайёрмиз?

Замонавий иқлим моделларига асосан 1990 йилдан 2100 йилгача бўлган давр оралиғида глобал исиш қарийб $1,4 - 5,8^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этиши кутилмоқда (2.3 – расм).

2.3-расм. Чиқиндиарниг ҳароратнинг ўсиши ва денгиз сатҳининг кўтарилишига таъсирини прогнозлаш



Манба: МГЭИК 2001

Бундай прогнозлар келажақда чиқиндиар миқдорини белгилайдиган асосий омиллар (масалан, аҳоли сонининг ўсиши ёки технологик тараққиёт каби) учун қабул қилинган фаразларга асосланади. Лекин уларни яратишда, иқлим ўзгариши соҳасидаги стратегиянинг қандай бўлишидан қатъий назар, чиқиндиарни чеклашга қаратилган тадбирлар ҳисобга олинмаган. Ҳатто ҳароратнинг $1,4^{\circ}\text{C}$ га кўтарилишининг ўзи ҳам кейинги ўн минг йил давомидаги ҳар қандай 100 йиллик учун ҳарорат ўзагиши тенденциясига нисбатан анча каттадир. Ушбу прогнозлар аэрозоллар ва океаннинг секинлаштирувчи эффекти таъсирини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Океанларнинг инертилиги шуну ифодалайди, ҳатто 2100 йилда иссиқхона эффекти ҳосил қуловчи газлар концентрациясининг ўсиши тўхтаб қолганда ҳам Ер сирти ва атмосферанинг қуий қатламлари кейинги юзлаб йиллар мобайнида исишда давом этади.

2100 йилда денгизлар ўртача сатҳининг 9 – 88 см га кўтарилиши кутилмоқда (2.3 – расм). Бунинг асосий сабабини океанлар юқори қатламларининг исishi натижасида кенгайиши ҳамда қисман музликларнинг эриши билан тушунтириш мумкин. Ушбу баҳолашдан кўриниб турибдики, рақамлар орасидаги ноаниқлик анча катта. Бу шундан далолат берадики, океан оқимларининг ўзгариши, қуруқликнинг локал миқёсда кўчиши ва бошқа омиллар таъсирида айrim жойлар ва регионларда денгиз сатҳи ўртача глобал кўрсаткичга нисбатан анча катта ёки ҳийла кичик қийматларда кўтарилиши мумкин. Гренландия ва Антарктикадаги муз қопламларининг нисбатан анча тез эриши, эҳтимол, ушбу регионларда кузатилиши мумкин бўлган анча кучли суръатдаги қор ёғинлари ҳисобига қопланиши мумкин. Исиш жараёни океанларга чуқурроқ ўтиб борган сари, музларнинг эриши тўхтамайди. Натижада, Ер юзаси ҳарорати мувозанатлашган тақдирда ҳам денгиз сатҳи узоқ даврлар мобайнида кўтарилишида давом этади.

Ҳароратнинг регионал ва мавсумий прогнозларидаги ноаниқлик ҳам анча катта. Йирик регионларда исиш кутиласетган бўлса ҳам уларнинг айримларида бу жараён анча кучли бўлиши мумкин. Прогнозларга қарагандо энг кучли исиш совуқ шимолий районларда қиши вақтида кузатилади. Бунинг сабабини қор ва музнинг Куёш радиациясинин қайтариши билан тушунтириш мумкин. Қайд этилган районларда эса қорнинг кам бўлиши, Куёш нурларининг кўпроқ ютилиши ва натижада исиш имконияти ортади. Бу ҳолат ижобий тескари боғлиқлик эффектига яққол далилдир. Канаданинг шимолий районлари, Гренландия ва Осиёнинг шимолида 2100 йилга келиб, қишики ҳароратнинг ўртача глобал ҳароратта нисбатан 40% га кўтарилиши кутилмоқда.

Ички континентал районлардаги исиш жараёни океанлар ва қирғоқбўйи зоналарига нисбатан тезроқ бўлиши кутилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, сув иссиқлик сифимининг катталиги билан тавсифланади. Бунинг натижасида океанларнинг секинлаштирувчи эффекти намоён бўлади ва оқибатда денгиз юзаси қуруқликка нисбатан секин исиди. Бундай секинлаштирувчи эффектнинг миқёси океанларда иссиқликнинг қандай чуқурликгача борганига боғлиқдир. Океанларнинг катта қисмларида уларнинг бир неча юз метр чуқурликдаги энг юқори қатлами

қуий қатламлар билан аралашмайды. Мана шу юқори қатламлар бир неча йиллар давомида исиыйди, океаннинг чуқур қисми эса совуқлигича қолаверади.

3. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ

3.1. Иқлим ўзгариши ҳақида тарихий маълумотлар

Ер иқлими ҳам табиий равища, ҳам антропоген омиллар таъсирида ўзгаради. Иқлимий системанинг ҳар бир ташкил этувчиси турлича вақт шкаласи оралиғида ўзгаради.

Атмосфера, энг динамик мұхит бўлиб, шу билан бирга бошқа геосфералардан иссиқлик сифимининг жуда кичиклиги билан ажralиб туради ва инерцияси кичик система ҳисобланади.

Океанларнинг юқори қатламлари иқлимий омилларнинг ўзгаришини бир неча йиллар давомидагина сезади, қуий, яъни чуқур қатламлардаги ўзгаришлар эса кўплаб юз йилликлардан сўнг рўй бериши мумкин.

Криосфера (қор ва муз қоплами) янада инерт ҳисобланади: муз қоплами қатламларидағи ўзгаришлар юзлаб йиллар давомидагина сезилади.

Геосфера – Ер юзаси, ҳаммасидан секин ўзгаради, чунки шамоллар харктери ва океан оқимларига таъсир этувчи тоғларнинг ҳосил бўлиши ва материкларнинг силжиши миллион йиллар давомида рўй беради.

Қадимги табиий иқлим ўзгаришларини билиш инсон фаолияти туфайли кечадиган иқлим ўзгариши жараёнларини чуқур англаб етишга имкон беради. Қадимги даврлардаги иқлимини тадқиқ этиш билан шуғулланадиган *пaleоклиматология* деб номланувчи фан бизга келажақдаги ўзгаришлар миқёсидан ҳам дарак беради.

Глобал ҳарорат ҳақиғаги систематик қузатиш маълумотлари 1860 йил билан чегараланади. Улар қуруқлик юзасида ҳаво ҳароратини ўлчаш натижасида ҳамда денгиз юзаси ҳароратини ўлчаш асосида олинган маълумотларни қамраб олади (3.1 – расм).

3.1 – расм.



Манба: МГЭИК 2001

Ўлчаш усуслари ёки ўлчаш жойининг ўзгариши оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган систематик хатоликларнинг олдини олиш учун бундай маълумотлар синчикалаб текширилиши лозим. Масалан, кўплаб метеорологик станциялар шаҳарлар ёки уларга яқин жойларда жойлашган. Маълумки, шаҳар катталашган сари маҳаллий иқлимга сезиларли даражада иситувчи таъсир кўрсатиши мумкин. Мана шу таъсир эътибордан четда қолмаслиги керак. Ҳозирги кунда бу ҳолат ҳароратнинг глобал ўзагришларини баҳолаш мақсадида бажариладиган ҳисоблашларда эътиборга олинади.

Анча қадимги иқлимий шароитни тадқиқ этиш билвосита исботлашларга асосланган. Масалан, кўллар сатҳининг ўзгариши қадимда атмосфера ёғинлари билан буғланиш ҳажми орасидаги фарқ қандай бўлганлигидан далолат бериши мумкин.

Дараҳтларнинг йиллик ҳалқалари, муз қалпоқчалари ёки океан ётқизиқлари ҳам ўтмиш ҳақида ахборот бериши мумкин.


Ўлчашлар, моделлар ва бошқа материаллар асосида олинган маълумотлардан турли комбинацияларда фойдаланиш, натижаларни иқлимининг миқдорий кўрсаткичлари кўринишида ифодалашга имкон беради. Масалан, Антарктидадаги 100 000 йил илгариги ҳароратни аниқлаш мақсадида чуқур қатламлардан олинган муз намуналарининг кимёвий таркиби билан шу вақтга тегишли термик шароит орасидаги боғланишдан фойдаланиш мумкин.

Бир қатор турли – туман физик, кимёвий усуслар асосида қадимги иқлимини реконструкция қилиш шуни кўрсатдик, бўр даври (135 – 65 млн. йил илгари) давомида Ер сайёраси бўйича

ҳарорат ҳозиргидағы нисбатан $6 - 7^{\circ}\text{C}$ юқори бўлган. Палеоген ($65 - 22$ млн. йил илгари) ва неоген ($22,5 - 1,2$ млн. йил илгари) даврларида ҳарорат доимий равишда камая борган ($3.2 - \text{расм}$). Плейстоцен (қарийб 700 минг йил илгари) бошида юқори кенгликларда ўртача йиллик ҳароратнинг $10 - 15^{\circ}\text{C}$ гача пасайиши рўй берган, кучли совиш бошланган. Бу эса дастлаб қалин қор қопламини, сўнг музлик қопламининг ҳосил бўлишига олиб келган.

Анча аниқ маълумотларга асосланган ҳолда таъкидлаш лозимки, музлик даври сайёрамиз ўқи ва унинг Күёш атрофида айланиш орбитасининг секин аста «тебранишлари» маҳсулидир. Мана шу тебранишлар Күёшдан сайёрамизга келаётган энергиянинг умумий миқдорига таъсир кўрсатган. Музлик даври давомида глобал ҳарорат 5°C та пасайган ва музликлар қоплами Европа ҳамда Шимолий Америка ҳудудларига анча чуқур кириб борган. Таъкидлаш лозимки, музлик даври нисбатан илиқ даврлар – «музлик оралиғлари» билан қисмларга бўлинган ($3.2 - \text{расм}$).

3.2 – расм.



Манба: МГЭИК 2001


Эҳтимол, иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар концентрацияларининг ўзгариши музлик даври цикли давомийлигининг ортишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Ер орбитаси тебраниши туфайли Күёшдан келадиган энергиянинг унча катта бўлмаган ўзгариши бутун музлик даври цикли давомида шунча катта миқёсдаги ҳарорат ўзгаришини келтириб чиқармаганлиги аниқдир. Муз қопламининг маълум чуқурлигидан олинган намуналарнинг кўрсатишича, бу даврда иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар миқдори кучли ўзгарган ва бу ҳарорат тебранишлари амплитудасининг ортишида муҳим роль ўйнаган бўлиши мумкин.

Қадимги иқлимий шарлоитларни тиклаш иқлимий моделлар асосида тузилган прогнозлар учун солиштириш мезони сифатида хизмат қилиши мумкин. Музлик даври иқлимини моделлаштириш асосида «олдиндан айтиш»ни палеоклиматологик маълумотлар билан солиштириш келажакдаги иқлим ўзгаришларига тааллуқли бўлган ва моделлар асосида тузилган жараёнларни маълум даражада текширишга имкон беради. Лекин, палеоклиматологик маълумотлар турлича бўлиши мумкин: айрим манбаларнинг тахмин қилишича, охирги музлик даврининг «чўйқисида» тропик денгизлар ҳозирги кундагига нисбатан 5°C совуқ бўлган бўлса, бошқа манбаларда эса бу фарқнинг $1 - 2^{\circ}\text{C}$ га tengлиги қайд этилади. Мана шундай ҳолларда моделларга хос ноаниқликлар сабаби юзага келган хатоликларни аниқлаш анча мурракаб иш ҳисобланади.

Охирги музлик даври тугаган $10\,000$ йилдан бўён иқлим юқори даражада барқарор бўлиб қолмоқда ($3.3 - \text{расм}$).

Кўплаб тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, инсоният цивилизациясининг гуллаган вақтидан бўён глобал ҳарорат 1°C дан камроқ қийматта ўзгарган. Охирги юз минг йиллик давомида экстремал ва баъзан тез рўй берган иқлимий тебранишларга нисбатан бизнинг иқлимини осоиышта деб аташ мумкин. Бундай иқлим «музлик оралиғи» даври учун хосдир. Моделлар асосида тузилган прогнозларга кўра, XXI аср охирида иқлим ҳар қандай «музлик оралиғи» даврлари иқлимига нисбатан иссиқ бўлиши мумкин ($3.3 - \text{расм}$). Европа ва Осиё ҳудудининг катта қисмида, иккита «музлик оралиғи» даврлари чегарасида, яъни $125\,000$ йил илгари ҳозиргига нисбатан 2°C илиқ бўлган. Моделлар асосида тузилган прогнозларга кўра, XXI аср давомида юқорида қайд этилган регионнинг катта ҳудудларида ҳарорат келтирилган рақамдан анча кўтарилиши мумкин. Бунда иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар чиқиндилигининг прогноз қийматлари аввалгидек қолиши лозим.

3.3 – расм.



Манба: МГЭИК 2001

Эҳтимол, узоқ ўтмишдаги тўсатдан бўлган иқлимий ўзгаришлар Ердаги ҳаётта жароҳатли таъсир кўрсатган. Ернинг биологик тарихининг «турларнинг ялпи қирилишига олиб келган ҳодисалар» билан тавсифланиши бунинг длалидири. Бу вақтда ўша даврда Ерда яшаётган турларнинг катта қисми ўлиб кетган. Турларнинг ялпи қирилишига мумкин бўлган сабаблар жуда кўп. Лекин, фактлар шундан далолат беради, ушбу ҳодисаларнинг айримлари иқлимининг тўсатдан ўзгаришлари билан мос келган. Афсуски, бугунги кунда XXI асрга прогноз қилинаётган иқлим ўзгаришлари ўз миёси билан ана шундай қўқисдан бўладиган иқлим ўзгаришларига ўхшаб кетади. Биз келажақдаги юз йил давомида планетамида музлик даври бошланишигача ҳам бўлмаган иқлим ўзгаришларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

3.2. Иқлим ўзгаришини белгиловчи омиллар

Ҳозирги кунда юқорида кўриб чиқилган иқлимий омиллар асосида кузатилаётган иқлимий ўзгаришлар сабабларини тушунтириб берувчи қатор назариялар мавжуд. Ернинг геологик тарихи давомида бутун Ер табиати билан биргалиқда атмосфера таркиби, унинг массаси ўзгарган, шу билан бирга материкларнинг шакллари тоғ системаларининг конфигурацияси ва баландликлари қуруқлик ва океанлар майдонлари ҳам ўзгариб турган. Қуёш ёритувчанлиги, Ер орбитаси эксцентриситетининг тебранишлари ва эклиптика текислигига нисбатан Ернинг айланиш ўқи қиялигининг ўзгаришлари кузатилган. Шу билан бирга Ернинг айланиш тезлиги ҳам секинлашган. Оқибатда, бу ҳолат, иссиқлик алмашинуви, намлик алмашинуви ва атмосфера циркуляцияси ҳамда иқлимининг географик омилларининг ўзгаришига олиб келган. Буларнинг барчаси Ерда иқлимининг кўп карра ўзгаришига сабаб бўлган.

Иқлимий ўзгаришларнинг мумкин бўлган сабабларининг вақт миёси жуда каттадир.

Ер орбитасининг эксцентриситети, прецессия ва орбита текислигига нисбатан Ернинг айланиш ўқи қиялигининг ўзгариши каби орбитал параметрларнинг вариациялари мос равища 100 000, 23 000 ва 41 000 йилни ташкил этади.

Ер пўсти ҳаракатининг вақт масштаби эса $10^5 - 10^9$ йилга teng. Вулканларнинг отилиши натижасида стратосферада аэрозолнинг ҳосил бўлиши жуда катта – 10^0 дан 10^8 гача йиллар оралиғидаги иқлимий ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Иккинчи томондан, иқлимий системанинг ички ўзгарувчанлиги системани ташкил этувчилари орасидаги тўғри ва тескари боғланишларнинг турлича механизмлари билан аниқланади.

Атмосфера, океанлар, криосфера, қуруқлик юзаси ва биосфера орасидаги боғлиқликнинг вақт масштаби $10^0 - 10^9$ йилларга teng бўлиши мумкин. Масалан, атмосфера ва океаннинг ўзаро таъсирлашуви $10^0 - 10^2$ йилни ташкил этади.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, иқлим ўзгариши исталган геологик даврда рўй бериши мумкин.

3.3. Глобал миқсадаги иқлим ўзгариши сценариялари(моделлари)

Ҳозирги кунгacha иқлим ўзгаришини прогнозлашнинг ишончли усули мавжуд эмас. Барча таклиф этилган баҳолашлар иқлимий системанинг иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи газларнинг

кўпайишига нисбатан реакциясини ифодаловчи вариантлардир. Келажақдаги иқлимининг мана шундай гипотетик ҳолатини «иқлимий сценариялар» деб аташ қабул қилинган.

Иқлимий сценарияларни тузиш усулларини қуйидаги учта гурухга ажратиш мумкин:

- сунъий;
- ўхшашлик;
- атмосфера умумий циркуляцияси модели.

Сунъий сценарияларда барча иқлимий элементлар тўр боғламлари ёки станцияларда маълум бир ихтиёрий, лекин ҳақиқатта яқин қийматларда ўзгаради. Бундай сценариялар ёрдамида таъсир объектлари — экологик ва халқ хўжалиги системалари, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ва бошқаларнинг рўй бераётган иқлим ўзагришларига нисбатан сезувчанилигини баҳолаш мумкин.

Ўхшашлик сценариялари бўлиб ўтган ва қайд этилган иқлимий кўрсаткичлар асосида қурилади, яъни уларни қуришда палеоклиматик, тарихий ёки инструментал маълумотлардан фойдаланилади. Бунга М.И.Будико ва унинг ҳамкаслари томонидан палеоклиматик таҳдилга асосланган ҳолда тузилган сценарияларни мисол қилиб келтириш мумкин. Уларнинг камчилиги шундан иборатки, узоқ қадимда карбонат ангирид миқдорининг ортиши антропоген эмас, балки табиий келиб чиқиши эди.

Ҳозирги кунда антропоген таъсирга боғлиқ ҳолда иқлим ўзагришини баҳолаш, аксарият ҳолларда, ўхшашлик тамойиллари ва эмпирик — статистик усувлар асосида амалга оширилмоқда.

Глобал иқлимини белгиловчи физик жараёнларни моделлаштиришда атмосфера умумий циркуляциясининг уч ўлчамили сонли модели энг ишончли дастакдир. Кейинги йилларда «атмосфера — океан» биргалиқдаги иқлимий моделларининг ривожланиши улардан келажак иқлимини баҳолаш мақсадида кенг фойдаланишга имкон беради. Бундай моделлар Ер иқлимий системасини, атмосферу, океан ва Ер сиртининг ўзаро таъсирлашувининг математик ифодасини характерловчи физик жараёнларнинг кенг спектрини қамраб олади. Шу билан бирга улар атмосферадаги иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи газлар концентрациялари ортишининг таъсирини баҳолашга ҳам имкон беради.

Булатлиқ ва аэроздоллар таъсирини ҳисобга олиш, углерод цикли моделини такомиллаштириш, ҳароратни кичик қийматларда прогнозлашга олиб келади. Масалан, МГЭИКнинг 1990 йилда эълон қилинган маълумотларида ўртача йиллик глобал ҳарорат ўзгариши $1,0 - 4,5^{\circ}\text{C}$ оралиғида қайд этилган бўлса, унинг 1995 йилдаги ҳисоботларида ҳароратнинг ўзгариши $1,0 - 3,5^{\circ}\text{C}$ гача камайган.

МГЭИК аҳоли сони ва иқтисодиётнинг ўсиши, ердан фойдаланиш, технологик ўзагришлар ҳамда 1990 – 2100 йиллар оралиғида мавжуд бўлган энергия ва ёқиғини эътиборга олган ҳолда, келажақдаги иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи газлар ва аэроздоллар чиқиндилигининг қатор сценарияларини ишлаб чиқди. Ушбу сценарияларга кўра, 2100 йилда карбонат ангирид чиқиндилиари диапазони 6 Гт/йил ни ташкил этиши кутилмоқда. Бу тахминан ҳозирги чиқиндилиар миқдори – 36 Гт/йил га яқиндир. Ўзгариш диапазонининг қуий рақамини олишда МГЭИК 2100 йилгача аҳоли сони ва иқтисодиётнинг паст суръатларда ўсишини тахмин қилган.

Метан чиқиндилигининг диапазони $540 - 1170 \text{ Гт/йил}$ оралиқда бўлиши тахмин қилинмоқда. Таъкидлаш лозимки, 1990 йилда метан чиқиндилиари қарийб 500 Гт/йил ни ташкил этган. Азот оксиди чиқиндилиари $14 - 19 \text{ Гт/йил}$ диапазонда ўзгариши кутилмоқда, 1990 йилда эса бундай чиқиндилиар 13 Гт/йил га яқин бўлган. Барча ҳолатларда иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи газларнинг атмосферадаги концентрацияси ва уларнинг Қуёш радиациясига кўрсатадиган йигинди таъсирининг бутун моделлаштирилган давр ($1990 - 2100 \text{ йиллар}$) оралиғида ўсиши давом этади. 2100 йилда Ер сиртидаги ўртача глобал ҳароратнинг 1990 йилга нисбатан 2°C га кўтарилиши прогноз қилинмоқда.

МГЭИКнинг **энг кам чиқиндилар сценарийси** билан иқлимининг энг паст сезувчанилиги ва аэроздоллар концентрациясининг келажақдаги ўзгаришлари таъсирини ҳисобга олган ҳолатларни бирлаштиргандаги прогнозларда эса 2100 йилда ҳароратнинг кўтарилиши тахминан 1°C ни ташкил этади.

МГЭИКнинг **энг кўп чиқиндилар сценарийси** билан иқлимининг юқори қийматдаги сезувчанилиги ҳисобга олингандағи прогнозда эса исиш қарийб $3,5^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлади.

Таъкидлаш лозимки, барча сценарияларда ўртача ўсиш суръатлари, эҳтимол, ҳар қандай кузатилган қийматларга қараганда катта бўлади. Регионал миқёсда ҳаво ҳароратининг ўзгариши ўртача глобал ҳарорат ўзгаришидан анча фарқ қилиши мумкин. Океанларнинг иссиқлик инерцияси оқибатида 2100 йилга келиб, ҳарорат ўзгариши унинг яқуний қийматига нисбатан $50 - 90$ фоизни ташкил этади. Лекин ҳарорат 2100 йилдан кейин ҳам кўтарилишда давом этади. Бу жараёнга иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи газлар концентрациясининг барқарорлашиши ҳам таъсир этмайди.

МГЭИКнинг, юқорида баён этилган сценариядан ташқари, атмосфера умумий циркуляциясига асосланган глобал иқлим ўзагришининг бошқа моделлари ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, бирталай ноаниқликларга қарамасдан, иқлимий моделлар келажақдаги глобал иқлим ва айрим регионлар иқлимини тасвирлашда анча муффақият билан қўлланилмоқда.

3.4. Иқлим сценарияларини Ўзбекистон ҳудуди учун мослаштириш

Регионал иқлимий ўзгаришларни баҳолаш учун глобал моделлардан фойдаланишда жойнинг рельефи, сув ресурслари, ер сирти характеристи ва бошқалар билан бўлган ўзига хос географик хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Иқлимий сценариялар, айниқса, уларнинг регионал кўринишлари учун катта ноаниқликлар хос бўлган ҳолатда, иқлимий ўзгаришларга нисбатан сезувчанликни баҳолашда бир нечта сценариялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Иқлимий системанинг айрим элементларининг регионал иқлимий ўзгаришларга нисбатан нозиклигини баҳолаш ва мослашиш стратегиясини ишлаб чиқиш Ўзгидрометга қарашли НИГМИ олимлари томонидан амалга оширилди. Натижада, Ўзбекистон ва унга туташ тоғли ҳудудлар иқлими ўзгаришининг қатор сценариялари ишлаб чиқилди. Улар иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар эмиссиясини ҳисобга олган ҳолда қуийдаги моделлар асосида яратилган:

- СССМ – Канада Иқлим Маркази модели;
- UKMO – Бирлашган Қироллик Метеорологик бюроси модели;
- GFDL – АҚШ суюқликлар геофизик динамикаси лабораторияси модели;
- GISS – АҚШ Годдард Космик тадқиқотлар институти модели.

Юқоридагилар учун бирламчи ахборот сифатида ҳаво ҳарорати ва ёғинлар бўйича узун қаторли кузатишларга эга бўлган 40 та станция маълумотларидан фойдаланилди. Бу станцияларнинг барчаси Ўзбекистон ва унга туташ бўлган, Ўрта Осиё дарёлари оқими ҳосил бўладиган, тоғли ҳудудлар учун таянч ҳисобланади. Уларнинг кўпчилигида инструментал кузатишлар ўтган асрнинг 20 – йилларидан бошланган. Регионда аср бошидаги ҳарорат режимини баҳолаш учун объектив усуслар ёрдамида тикланган қаторлар маълумотларидан имконият даражасида фойдаланилган. Тиклаш усуслари кўпхадди чизиқли регрессияга асосланган бўлиб, предикторлар сифатида синхрон ўзгарувчи маълумотлардан фойдаланилган.

Мана шундай усулдан фойдаланиш натижасида атмосфера ёғинларини кузатишда мавжуд бўлган айрим узилишларгина тикланди. Макон ва вақт бўйича ҳисобланган корреляцион боғланишларнинг кичиклиги сабабли аср бошидаги йиғинди атмосфера ёғинлари қаторини тиклаш имкони бўлмади.

Вариантларнинг биринчиси таркиби сценария бўлиб, у атмосфера умумий циркуляцияси моделлари натижалари ва тарихий ўхшашикларни комбинациялаш натижасида олинган. Ушбу ҳолатда регионал иқлимининг мумкин бўлган ўзгаришини баҳолашда карбонат ангирид эквивалентининг икки марта кўпайган муддатлари ва иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар эмиссиясининг регионал сценариялари амалга ошади, деган тахминлар ҳисобга олинган.

Ўзбекистонда иқлимининг мумкин бўлган ўзгаришларини баҳолашнинг **иқкинчи вариантида** МГЭИКнинг иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар эмиссиясининг 6 та варианти асос қилиб олиниб, эҳтимолли – статистик ёндошувдан фойдаланилган. Ҳозирги кунда кечеётган глобал исишига жавоб сифатида регионал иқлимининг мумкин бўлган ўзгаришларини баҳолашда иқлимининг маҷаллий ва глобал миқёсда кузатилган қийматлари орасида олинган статистик боғланишлардан фойдаланилди. Келажақдаги глобал иқлим прогнози сифатида МГЭИК томонидан ишлаб чиқилган, чиқиндиларнинг турли сценарияларига асосланган, глобал ҳароратнинг ўзгаришларини баҳолашга имкон берадиган моделларга таянилди.

Таркибий жиҳатдан ўхшашик сценарийси атмосфера умумий циркуляциясининг якуний натижалари ва тарихий ўхшашиклар асосига қурилган. Муаллифлар ўрганиб чиқилган кўплаб ҳисоблашлар ичидан МГЭИК ҳисоботларида келтирилган натижаларда тўхтади. Уларда бутун Ўрта Осиё учун қишки ва йиллик ҳароратнинг ўртача кўтарилиши ($\Delta T_{моz}$) саноатлашишгacha бўлган даврга нисбатан $4-5^{\circ}\text{C}$ ни, ёзгиси эса 2°C ни ташкил этади.

Атмосфера умумий циркуляцияси модели асосида бажарилган ҳисоблашлар натижасида ўртача йиллик ҳаво ҳарорати орттирмасининг саноатлашишгacha бўлган даврдан то 2030 – 2050 йилларгача макон бўйича тақсимланиши олиниди. Бунда карбонат ангирид эквивалентининг икки марта ортиши сульфат аэрозоллари таъсирини ҳисобга олган ва ҳисобга олмаган ҳолларига мос келади. Шу билан бирга, 1880 – 1889 йиллардан 2040 – 2050 йилларгача орлиқда ўртача мавсумий ҳароратнинг сульфат аэрозоллари таъсирини ҳисобга олган ҳолдаги ўзгаришини баҳолашга имкон берувчи атмосфера умумий циркуляцияси модели натижаларидан ҳам фойдаланилди.

Ушбу ҳар икки моделларнинг натижалари, уларнинг бошланишидаги фарқнинг асрга тенг бўлишига қарамасдан, ўзаро яқинидир. Юқоридагилардан ташқари карбонат ангиридининг икки марта ортган давридаги ўртача мавсумий ва йиллик ҳарорат ўзгариши карталаридан ҳам фойдаланилди. Бу карталар ўтган асрнинг 80 – йилларида тайёрланган эди. Сульфатларни ҳисобга оладиган моделлар асосида бажарилган ҳисоблашларнинг натижаларига кўра Ўрта Осиё ва

Қозогистоннинг барча ҳудудида 1880 – 2050 йиллар давомида йиллик ҳароратнинг кўтарилиши 1 – 2 °C ни ташкил этади. Шунга ўхшаш ҳисоблашларнинг кўрсатишича 1980 йилдан бошлаб ҳароратнинг мавсумий ўзгаришлари ёз учун 0 – 1 °C га, қиши учун эса 1 – 2 °C га тенг бўлишини кўрсатди. XX аср давомида Ўзбекистоннинг анча катта ҳудудида атмосфера умумий циркуляцияси натижаларига нисбатан анча исиш кузатилди. Бу жараённинг келажакда ҳам давом этиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун ҳам бу масалани ўрганишда, келажакда сезиларни исишни берадиган моделлардан фойдаланиш ўринлиди. Ўрта Осиёда сульфат аэрозоллари таъсирини эътиборга олмасдан ҳисобланган ҳарорат ўзгаришларининг ўртача йиллик қиймати 3 – 4 °C, қиши учун 4 – 5 °C ва ёз учун 1 – 2 °C ни ташкил этади.

Бундай умумий ўзгаришлар тарихий ўхшалиқдан фойдаланилган ҳолда Ўзбекистон ҳудуди учун хос бўлган реал иқлимий хилма – хилликка келтириди.

XX асрдаги *исиши жараённинг ўхшаш* сифатида 1981 – 1990 йиллар оралиғидаги 10 йиллик танлаб олинди. Бу даврда Ўрта Осиё йирик миқёсдаги, ўртача кенглиқдаги мусбат ҳарорат аномалияси зонасида бўлган. Тоғли ҳудудлардаги кичик районларгина бундан мустаснодир. Бунга ёрдамчи ахборот манбаи сифатида 1941 – 1950 йиллар оралиғидаги 10 йилликдан фойдаланиди.

Исиш ўлчами сифатида 1930 – 1990 йилларда Ўзбекистоннинг ўнта иқлимий районларининг ҳар бирида кузатилган ўртача ҳароратнинг ўн йиллик ўртача ҳароратга нисбатан четлашиши ($\Delta T'$) қабул қилинди (3.1 – жадвал)

Ўхшаш ўн йилликда энг юқори исишлар шимолий – фарбий районлар – Устюарт, Қуйи Амударё ва Орол бўйида ҳамда Тошкент – Мирзачўл районининг шимолига тўғри келди. Ҳудуд бўйича ўзгаришнинг энг катта қиймати бирлик сифатида қабул қилинди. Бошқа районлардаги исиш ана шу миқдорга нисбатан нормаллаштириди. Масалан, қишидаги максимал исиш ($\Delta T'$) Чимбойда 2,2 °C га тенг бўлса, Қаршида у 1,1 °C га тенг бўлган. Демак, $\Delta T'$ нинг Қарши учун аниқланган нормаллаштирилган қиймати 0,5 ни ташкил этади. Ҳарорат ўзгаришининг бундай нормаллаштирилган қийматлари муаллифлар томонидан «регионал коэффициентлар» деб аталади ва улар келажакдаги исиш карталари конфигурацияси учун асос бўлади.

3.1 – жадвал. Ҳаво ҳароратининг ўн йиллик (1981 – 1990 йиллар) ва кўп йиллик (1930 – 1990 йиллар) қийматлари орасидаги фарқлар ($\Delta T'$, °C)

Станция	Қиши	Ёз	Йил
Чимбой	2,2	1,3	1,1
Урганч	1,8	0,5	0,7
Томди	1,2	0,8	0,5
Тошкент	1,4	0,4	0,6
Жиззах	1,1	-0,2	0,2
Самарқанд	1,0	0,8	0,8
Шаҳрисабз	0,7	0,7	0,6
Шеробод	0,7	-0,3	0,3
Термиз	0,6	0,1	0,3
Писком	0,5	0,3	-0,1
Фарғона	1,3	0,6	0,8

Манба: В.Е. Чуб «Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан»

(ΔT_{moz}) нинг ўзгариш диапозонининг юқори чегараси шимолий – фарбий районлардаги исишга тенглаштирилди ва регионал коэффициентлар ёрдамида Ўзбекистон ҳудуди бўйича тақсимланди. Бу қийматдан 1990 йилгача амалга ошган исиш чиқарип ташланди.

Шундай қилиб, атмосфера умумий циркуляцияси моделининг натижалари регионал шароитта мослаштирилди. Ундан олингандан қийматлар билан ҳароратнинг реал шароитда ўзгарган қийматлари орасидаги фарқ аниқланди. Бу миқдор (ΔT) 1961 – 1990 йиллар учун аниқланган меъёрий базага қўшимчадир.

Атмосфера умумий циркуляцияси моделида ҳисоблашнинг имкони бўлмаган баҳор ва кузги ҳароратларнинг умумий ўзгариши Ўзбекистоннинг шимолий фарбий қисмидаги мавсумий ҳарорат ўзгаришлари билан йиллик глобал ҳарорат ўртасидаги статистик боғланиш асосида баҳоланди. Кузги ҳарорат ўзгаришлари, умуман олганда, ёзги ўзгаришлар ($\Delta T = 1,9 \text{ } ^\circ\text{C}$) га яқин, анча йирик ҳудудлардаги баҳорги исиш эса ёзгига нисбатан кичик ($\Delta T = 0,9 \text{ } ^\circ\text{C}$). Ўзбекистоннинг шимолий – фарбий ва шимолий қисмларида қишики ҳарорат базавий даврга нисбатан айrim станцияларда максимал қийматта эришган ($\Delta T = 3,0 \text{ } ^\circ\text{C}$). Йиллик ҳарорат кичик қийматлардаги ўсишга эга. Текисликларда ёз ва куздаги ўсиш $1,0 – 1,5 \text{ } ^\circ\text{C}$ қийматларда кўрсатилади. Баҳорги ҳароратлар унча жадал суратларда ўсмайди, $1,0 \text{ } ^\circ\text{C}$ атрофида бўлади. Иқлимиј районлар бўйича ўртача қийматлар аниқланганда эса бу миқдорлар бир мунча камаяди.

Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлар шароитлари учун Ўзгидрометга қарашли НИГМИ олимлари глобал иқлум ўзгаришларининг СССМ, UKMO, GFDL, GISS каби сценарияларини мослаштириш натижалари ҳам мавжуд (3.2 – жадвал). Бундай мослаштиришлар 2000 – 2030 йиллар учун амалга оширилган.

3.2 – жадвал. Глобал иқлум ўзгариши моделларига кўра ҳаво ҳарорати ва атмосфера □финларининг ўзгариш қийматлари

Т.Р.	Моделлар	Ҳаво ҳароарти, $^\circ\text{C}$	Атмосфера ёғинлари, %
1	СССМ	+6,5	-11
2	UKMO	+5,2	+6
3	GFDL	+3,4	+14
4	GISS	+4,7	+13

Манба: Иқлум ўзгариши бўйича Ўзбекистон Миллий ахбороти

Жадвалдан кўриниб турибдики, оқим ҳосил бўлиш зonasida иқлумий шароитнинг энг катта аридлашуви СССМ моделида кузатилади (йиллик ҳароартнинг ўртача кўтарилиши $6,5 \text{ } ^\circ\text{C}$, ёғинларнинг камайиши эса 11 % га teng). Иқлум ўзгариши UKMO модели бўйича кечганда ҳам ноқулай шароит юзага келиши мумкин. Ушбу модел бўйича ҳаво ҳарорати $5,2 \text{ } ^\circ\text{C}$ га кўтарилиши, йиллик атмосфера ёғинлари эса 6 % га ортиши мумкин. GFDL ва GISS сценарияларига кўра оқим ҳосил бўлиш областида ўртача йиллик ҳарорат $3 – 4 \text{ } ^\circ\text{C}$ га, йиллик ёғин миқдори эса $10 – 15 \text{ } %$ га ортади.

4. ИҚЛІМ ЎЗГАРИШИ ОҚИБАТЛАРИ

4.1. Глобал миқтасда иқлим үзгариши оқибатлари

Иссиқхона эффекти ҳосил құлувчи газлар концентрациясынинг ўсиши табиий иссікхона эффектининг кучайышыга ва Ер юзасининг исишига олиб келди. Агар тегишли чора күрілмаса, келгуси юз йилликнинг ҳар ўн йиллигіде ҳарорат $0,3^{\circ}\text{C}$ га ортағы. *Исиш ўз навбатида құтблардагы музиларнинг әришига ва Дунан океаны сатқининг күтарилишига олиб келади:* 2030 йилға бориб, дуне океани сатқи ўртаса 20 см га, XXI аср охирида еса 65 см га күтарилади.

Прогнозларға күра, бутун дунёда ёғин миқдорининг ортиши күтилади, лекин шунга үхшаш тенденцияларнинг маҳаллій миқтасдағы ишончлиліги анча паст. Эхтимол, XXI асрнинг иккінчи ярмида шимолий ярим шарнинг ўрта ва юқори кенгілкларида ҳамда Антарктикада қишки ёғиналар миқдори ортади. Тропикларда еса, ишлаб чиқылған моделларға күра, айрим ҳудуддарда ёғин миқдори ортса, бошқа жойларда камаяди. Австралия, Марказий Америка ва Африканың жанубий қисміда еса қишки ёғиналарнинг камайышыда барқарор тенденция күзатылади.

Юқори кенгілкларда, йилнинг қишишінде *тұрғыннан күп ғиши* тупроқнинг юқори даражада намланишига олиб келади. Лекин, ёзда ҳароратнинг юқори бўлиши тупроқ намлигининг ўқотилишига сабаб бўлади. Тупроқ намлигининг маҳаллій үзгаришлари, албатта, қишлоқ хўжалиги учун жуда муҳимдир, лекин иқлимий моделлар ёрдамида уларни прогноз қилиш бугунги кунда ҳам анча мураккаб ҳисобланади. Ҳатто тупроқ намлигининг ёз даврларида глобал үзгаришининг ишораси – ортиши ёки камайыши ҳам ноаниқ бўлиб қолмоқда.

Эхтимол, *экстремал об-ҳаво ҳодисаларининг тақрорланиши ва жадаллиги* ҳам үзгариди. Күтилаёттанидек, ўртаса глобал ҳароратнинг кутарилиши билан иссиқ кунлар ва иссиқ тўлқинлар ортади ҳамда совуқ кунлар сони ва совуқ давр камаяди. Иқлимий моделлар ҳам бир – бирига мос равишда кўрсатмоқдаки, кўпчилик регионларда экстремал об-ҳаво ҳодисалари тез – тез тақрорланади. Бу еса континентал районларда ёз мавсуми давомида қурғоқчилик хавфининг ортишига олиб келади. Яна шундай фактлар ҳам мавжудки, уларнинг гувоҳлик беришича, айрим регионларда кучли шамол ва жала ёмғирлар билан биргаликда кечадиган қаттиқ бўронлар – довуллар тез – тез қайтарилади.

Ўрта кенгілкларда довулларнинг тақрорланиш тезлиги ҳақида моделлар, маълум даражада, қарама – қарши натижаларни бермоқда. Момақалдириқ ва қуонлар каби бошқа ҳодисалар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳақида қандайдир прогнозлар тузиш учун ҳозирги билимларимиз етарли даражада эмас.

Иқлимининг тез ва тўсатдан үзгаришини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Лекин, дengiz сатқининг катастрофик күтарилишига олиб келадиган, Farbий Антарктика муз қалқонининг парчаланишига үхшаш жуда кескин үзгаришларнинг XXI аср давомида бўлиш эхтимоли жуда кичикдир. Регионал миқтасда иқлимга сезиларни таъсир кўрсатадиган океан циркуляцияларининг үзгариши (масалан, Европани иситадиган Гольфстримнинг сусайиши) бир неча ўн йилликлардан кейин рўй бериши мумкинлиги ҳақидаги фактлар ҳам мавжуд. Лекин, шунга үхшаш үзгаришларнинг иссиқхона эффекти ҳосил құлувчи газлар таъсиридаги исиши сабабли рўй бериши мумкинлиги ҳозирча номаълум. Гольфстримнинг кучсизланишини кўрсатадиган иқлимий моделлар ҳам келажакда бутун Европа миқтасида исиши бўлишидан дарак бермоқда.

Ер иқлими ҳозирнинг ўзидаёқ ўтмишдаги иссиқхона эффекти ҳосил құлувчи газлар чиқындилиарига «мослашмоқда». Иқлимий система глобал энергетик балансни сақлаш учун ҳам иссиқхона эффекти ҳосил құлувчи газлар концентрациясыга «кўнишиши» лозим. Бу дегани шуки, иқлим үзгармоқда ва бу жараён иссиқхона эффекти ҳосил құлувчи газлар миқдорининг ўсиши мобайнида давом этаверади. Бугунги кунда олимлар доимий равишда бойиб бораёттган маълумотлар базасининг глобал исишининг умумий кўринишларини тасдиқлаёттанилгига ҳамда иқлимий системадаги бошқа үзгаришларга ишонч ҳосил қилғанлар.

Үлчашлар натижасида олинган маълумотлар ўртаса ҳаво ҳароратининг XIX аср охиридан бўён $0,6 \pm 0,2^{\circ}\text{C}$ га күтарилганини қайд этмоқда. Бу кузатишлар иқлимининг ҳозирги кунгача бўлган исиши даражасини прогнозлашда фойдаланиладиган моделлар асосида тузилган прогнозлар билан мос тушади. Таъкидаш лозимки, аэрозолларнинг советувчи таъсири ҳисобга олинганда мослик янада ортади. *Асосий исишиш 1910 – 1940 йилларда* кузатилган ҳамда 1976 йилдан шу кунгача давом этмоқда. Эхтимол, шимолий ярим шарда (тегишли таҳлилни амалга оширишга имкон берадиган маълумотлар мавжуд бўлган районларда) XX асрдаги исиши суръатлари ва давомийлиги охирги минг йилдаги ҳар қандай даврга нисбатан катта бўлди. Бундан ташқари, 1990 йиллар минг йилликнинг энг иссиқ ўн йиллиги, 1998 йил еса энг иссиқ йил бўлғанга үхшайди.

Бу даврда *дengiz сатқи ўртаса 10–20 см га күтарилиши*. Чунки, океанлар юқори қатламларининг исиши билан сув кенгаяди, дengiz сатқи еса күтарилади. Моделлар асосида тахмин қилиш мумкинки, ҳароратнинг бугунги кунгача $0,6^{\circ}\text{C}$ исишининг ўзи дengиз сатқининг ҳозирги кундаги күтарилишига олиб келиши керак эди. Лекин бошқа, яъни прогнозлаш учун анча

мураккаб бўлган ўзгаришлар, айниқса кучли қор ёғиши, Гренландия ҳамда Антарктиcadаги музларнинг эриши, шимолий материкларнинг кўп асрли музликлардан секин аста «халос» бўла бориши ҳам реал ва тассавур қилинаётган денгиз сатҳига таъсир кўрсатади.

1960 йилларнинг охиридан бўён **қор қоплами қалинлиги** шимолий ярим шарнинг ўрта ва юқори кенгликларида 10 % га камайган. XX аср давомида кўллар ва дарёларда йиллик музлаш даври тахминан икки ҳафтага қисқарганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Мана шу вақт мобайнида, қутбдан ташқари, кўпчилик регионлардаги машҳур тоғ музликларининг деярли барчаси чекинди. Охирги ўн йилликда Арктида баҳор ва ёз вақтларида муз қопламининг давомийлиги 10 – 15 % га, музнинг қалинлиги эса ёзниг охири ва кузнинг бошида 40 % га камайди. Дунёнинг кўплаб регионларида ёғинлар миқдорининг ортиши кузатилмоқда. Ҳар ўн йилликда шимолий ярим шарнинг ўрта ва юқори кенгликларида кўплаб районларида ёғин миқдорининг 0,5 – 1,0 % га ортиши кузатилмоқда. Бу ҳолат булат қопламининг 2 % га ортиши шароитида рўй бермоқда. Қуруқликнинг тропик районларида, 10^0 шимолий кенглик ва 10^0 жанубий кенгликлар оралиғида ҳам, айтиш мумкинки, атмосфера ёғинлари миқдори ҳар ўн йиллик давомида 0,2 – 0,3 % га кўпаймоқда. Иккинчи томондан, XX аср давомида шимолий ярим шарнинг субтропик районларида, яъни ўнинчи ва ўттизинчи шимолий паралеллар орасида ёғин миқдорининг ҳар ўн йиллик давомида 0,3 % га камайиши қайд этилди. Юқоридагилар билан бир қаторда Африка ва Осиёнинг айrim қисмларида қурғоқчиликнинг такрорланиши ва жадаллиги ортди.

XX аср давомидаги иқлим ўзгариши иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар ва аэрозоллар концентрациясининг ортиши билан боғлиқ ҳолда кутилган оқибатлар билан мос тушади. Исишнинг маконда кузатилаётган қонуниятлари моделлар асосида тузилган прогнозларга мос келмоқда. Масалан, Ер юзасидаги ўлчашлар ҳамда метеорологик зондлар ва сунъий йўлдошлар ёрдамида бажарилган ўлчашлар ҳам Ер юзасининг исиётганлигини, стратосферанинг эса совиётганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга Ер атмосфераси океанлар устида материклар устидагига қараганда секин исиди. Бу жараёнлар сувнинг юза қатламларининг қуий қатламлари билан тез алмашинадиган ва иссиқликни океаннинг чуқур қатламларига тарқатувчи районларда айниқса сезиларли бўлади. Яна бир мисол шуки, аэрозоллар таъсирига учраган районларда исиш суръатлари камаяди.

Шундай қилиб, охирги эллик йилда кузатилаётган исиш асосан антропоген фаолият туфайли эканлигини тасдиқловчи янги ва ишончли далиллар мавжуд.

Умуман олганда, келажакда **глобал иқлим ўзгаришларининг энг ноқулай оқибатлари** сифатида қуидагиларни қайд этиш мумкин:

- кўпгина тропик ва субтропик регионларда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ялпи камайиши кузатилади;
- мўътадил кенгликлардаги кўплаб регионларда ҳосилдорликнинг ялпи камайиши маълум тебранишлар билан кузатилади, бунинг асосий сабаби ўртача йиллик ҳароратнинг бир неча даражага кўтарилишидир:
 - уй моллари ва ёввойи ҳайвонларга иссиқлик тазиёни ортади;
 - тупроқ эрозияси кучаяди;
 - сув етишмайдиган кўплаб регионларда, айниқса субтропикларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган сув миқдори янада камаяди;
 - сув ресурсларининг сифати ва миқдори камаяди;
 - кўплаб кишилар малярия, холера каби сув орқали тарқаладиган касалликларга учрайди;
 - кўплаб кишилар ҳарорат стресси – жазирама иссиқдан нобуд бўлади;
 - кексаларда ва шаҳарларнинг камбағал аҳолиси қатламларида ўлим ҳамда жиiddий касалликлар билан оғриш эҳтимоли ортади;
 - кучли ёғинлар ва дengiz сатҳининг кўтарилиши тошқин хавфини оширади, бу эса ўн миллионлаб одамларни ҳалокатга олиб келади;
 - тошқинлар ва қурғоқчилик миқёсининг ҳамда уларнинг Осиёнинг мўътадил ва тропик иқлими районларига келтирадиган зиёни ортади;
 - тошқинлар, тоғ кўчкилари, қор сурилмалари ва сел тошқинлари натижасида келадиган зиён ортади;
 - ўрмон ёғинлари хавфи ортади;
 - қирғоқбўйи эрозияси ва ундан қирғоқбўйидаги иморатлар ва инфраструктурага келадиган зиён ортади;
 - қирғоқбўйи экосистемасига, жумладан маржон ороллари ва улардаги ранг – баранг ўрмонларга катта зиён етади;
 - қурғоқчиликка учраган районларнинг гидроэнергетик потенциали камаяди;
 - ёзги ҳароратнинг кўтарилиши ҳавони совитиш мақсадида ишлатиладиган энергияга бўлган талабни орттиради;
 - тошқинлар ва табиий оғат ҳолатларида ёрдам кўрсатиш мақсадида давлат ва шахсий суғурта тизимларига тазиёқ ортади;

- туристик йўналишлар ўзгаради.
- Таъкилаш лозимки, иқлим ўзгаришининг қуийдаги **фойдали имкониятлари** ҳам мавжуд;
- ўрта кенгликларнинг айрим регионларида ҳароратнинг бир неча даражага кўтарилиши туфайли қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортади;
 - ўрмончилик бўйича яхши тажрибага эга бўлган регионларнинг жаҳон бозорига таклиф этадиган ёғоч материаллари миқдори ортади;
 - айрим регионларда, масалан, Жануби – Шарқий Осиё мамлакатларида сув қўпаяди;
 - ўрта ва юқори кенгликлардаги аҳоли орасида қишиқи даврдаги ўлим камаяди;
 - қишиқи ҳароратнинг кўтарилиши уй – жойларни иситишга сарфланадиган энергияни камайтиради.

4.2. Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудларда иқлим ўзгаришининг оқибатлари

Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги иқлим ўзгаришининг оқибатларига, биринчи навбатда, агроиқлимий ва сув ресурслари ўзгаришларини киритиш мумкин. Улардаги ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигидаги ҳамда Оролбўйи экологик ҳолатида ва хусусан Орол денгизида салбий кўринишида акс этади.

Агроиқлимий ресурсларнинг ўзгариши ва унинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсирини баҳолашда базавий иқлимиy сценариялар сифатида юқорида кўриб чиқилган регионал иқлимиy сценариялар танлаб олинган. Улар 2030 йилгача бўлган ўзгаришларни баҳолашга имкон беради. Умумий сценариявий қийматлар Ўзбекистон ҳудудининг реал иқлимиy хилма – хиллигига мослаштирилган ва шундан кейин улар агроиқлимиy округлар ва районлар гуруҳларига боғланган.

Агроиқлимиy округлар ва районлар бўйича ўртacha мавсумий ҳаво ҳароратининг ўзгариши 4.1 – жадвалда кўrsatilgan.

4.1–жадвал. Агроиқлимиy округлар ва районлар бўйича ўртacha мавсумий ҳаво ҳароратининг ўзгариши (1–2005–2010 йиллар, 2–2020–2030 йиллар)

Округлар	Район – лар	Қиши		Баҳор		Ёз		Куз	
		1	2	1	2	1	2	1	2
Устюрт, Шимолий Қорақум	1,4	1,0	2,0	0,5	1,0	0,5	1,2	0,7	1,5
Орол	2,3	1,3	2,8	0,5	0,9	0,8	1,6	0,8	1,3
Қўйи Амударё	5	1,0	2,7	0,2	0,6	0,5	1,0	0,4	0,6
Қизилқум	6 – 8	1,0	2,5	1,0	1,3	0,4	0,9	0,2	0,5
	9 – 10	1,0	2,5	0,1	0,2	0,2	0,7	1,6	2,2
Сандиқли	11	1,1	1,9	0,1	0,2	0,1	0,3	0,3	1,4
Чирчиқ – Оҳангарон	12 – 14	0,7	1,7	0,2	0,4	0,4	0,8	0,6	1,9
Ўрта Сирдарё	15 – 17	0,5	0,5	0,1	0,3	0,3	0,7	0,4	1,1
	18 – 19	0,6	21,2	0,2	0,4	0,1	0,2	0,3	0,7
Фарғона	20 – 26	0,7	1,6	0,3	0,8	0,6	1,0	0,7	2,0
Зарафшон	27 – 29	0,4	1,0	0,4	1,0	0,4	1,0	0,6	0,9
Қашқадарё	30 – 31	0,5	1,2	0,6	1,4	0,3	0,8	0,7	1,6
Сурхондарё	32,33	0,6	1,5	0,1	0,4	0,2	0,2	0,2	0,6

Изоҳ: округлар (районлар номери): 1 – Устюрт, 2,3 – Орол, 4 – Шимолий Қорақум, 5 – Қўйи Амударё, 6 – 10 – Қизилқум, 11 – Сандиқли, 12 – 14 – Чирчиқ – Оҳангарон, 15 – 19 – Ўрта Сирдарё, 20 – 26 – Фарғона, 27 – 29 – Зарафшон, 30 – 31 – Қашқадарё, 32 – 33 – Сурхондарё.

Манба: В.Е. Чуб «Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан»

4.1 – жадвалдан кўриниб турибдикি, чўл ва чала чўл яйловлари, Қўйи Амударёнинг сугориладиган деҳқончилик районлари ҳамда Чирчиқ – Оҳангарон агроиқлимиy районлар гуруҳи учун сезиларли даражадаги қишиқи исиш хосдир. Баҳорги исиш эса республика шимолидаги яйловларда ва Қизилқум округи районлари ҳамда Зарафшон ва Қашқадарё округининг сугорма деҳқончилик районларида намоён бўлади. Ёзги исиш шимолий чўл яйловлари, Қўйи Амударёдаги сугориладиган ерлар ва Фарғона, Зарафшон ҳамда Қашқадарё округлари (1 – 8, 12 – 14, 30 – 31)нинг сугориладиган районлари учун хосдир.

Ўзбекистон шимолидаги чўл районларида куз даври бир мунча исийди ва унинг давомийлиги ортади. Асосий исиш эса Қизилқум округининг жанубий қисмига Чирчиқ – Оҳангарон, Ўрта Сирдарё, Фарғона ва Қашқадарё округлари (1–4, 9–11, 20–26, 30, 31)га тегишидир. Умуман, мамлакатнинг чўл ва чала чўл районларида энг юқори даражадаги ҳарорат ўзгаришлари қишиш – баҳор даврларига, сурориладиган ҳудудларда эса ёзги – кузги даврга тўғри келади.

Қорақалпостонда барча мавсумларда ҳаво ҳароратининг сезиларли даражада кўтарилиши кутилади. Натижада ҳудуднинг термик ресурслари ортади. Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида баҳор $0,5 - 2,0^{\circ}\text{C}$, ёз – $1,5 - 2,5^{\circ}\text{C}$, куз – $0,5 - 2,0^{\circ}\text{C}$, қишиш эса $1,5 - 3,5^{\circ}\text{C}$ га исийди. Бошқа вилоятларда ҳаво ҳароратининг баҳорги – ёзги – кузги даврлардаги ўзгариши $1,5^{\circ}\text{C}$ дан ортмайди.

Исиш натижасида қуруқ тропиклар билан мўътадил иқлим минтақалари орасидаги чегара шимолга томон $150 - 200$ км га сурилади, баландлик иқлим минтақаларида эса $150 - 200$ метрга кўтарилади.

Агротехнологияни асосий кўрсаткичлари, яъни 10°C дан юқори самарали ҳароратлар йиғиндиси, баҳор ва кузда ҳаво ҳароратининг $0, 5, 10, 15^{\circ}\text{C}$ дан ўтиш муддатлари, охиригина баҳорги ва эрта кузги қора совуқларининг муддатлари ўзгаришларида умумий тренд билан бир қаторда маълум цикличик қайд этилади. Агрометеорологик параметрлар қийматларини 2020 – 2030 йилларгача экстраполяция қилиш учун ҳаво ҳароратининг регионал ўзгаришидаги орттирманинг қийматлари аниқлаштирилди ва бу ҳолат биринчи регионал иқлими сценарий билан мослаштирилди.

Агротехнологияни районлар бўйича 2030 йилгача бўлган давр учун баҳор ва кузда ҳаво ҳароратининг $0, 5, 10, 15^{\circ}\text{C}$ дан ўтиш муддатлари ўртасидаги **даврлар давомийлигининг мумкин бўлган ўзгаришлари** баҳоланди. Бунда иқлим ўзгаришининг иссиқхона эффицити ҳосил қилувчи газлар эмиссиясини ҳисобга олувчи сценарийсидан фойдаланилди (4.2 – жадвал).

Ўзбекистон бўйича совуқ бўлмаган даврлар давомийлиги ўртача $8 - 15$ кунга ортади, ҳаво ҳароратининг $5 - 10^{\circ}\text{C}$ дан ўтиш муддатлари баҳорда $5 - 10$ кунга эрта муддатга сурилса, кузда эса $5 - 15$ кунга кеч муддатга сурилади.

Ўзбекистон топ зонаси (Туркистон ва Ҳисор топ тизмалари тармоқлари, Фарбий Тиёншон) термик ресурсларининг ўзгаришини баҳолаш натижалари шуни кўрсатдики, баҳорда ҳаво ҳароратининг $+5^{\circ}\text{C}$ дан барқарор ўтиш муддатлари кўп йиллик меъёрга нисбатан Фарбий Тиёншон тоғларида $3 - 8$, Самарқанд вилоятида $6 - 7$, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида $9 - 12$ кун эрта кузатилади. Шунга мос равища яйлов ўсимликларининг вегетацияси ҳам шунча кун эрта бошланади.

Республика агротехнологияни ресурсларининг хилма – хиллиги, уларнинг йилларо ўзгаргарувчанлиги ва иқлимининг мумкин бўлган ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда ҳаво ҳароратининг тахмин қилинаётган ўсиши, уларнинг қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига ҳар томонлома таъсирини ҳисобга олишни талаб этади.

**4.2 – жадвал. Совуқ бўлмаган давр(Δ_3), баҳор ва кузда ҳаво ҳароратининг $5^{\circ}\text{C} (\Delta_5), 10^{\circ}\text{C} (\Delta_{10}), 15^{\circ}\text{C} (\Delta_{15})$ дан ўтиш муддатлари ўртасидаги даврлар давомийлигининг мумкин бўлган ўзгаришларини баҳолаш диапазонлари
(иссиқхона эффицити ҳосил қилувчи газлар сценариялари учун)**

Округлар	Район – лар	Давомийлиknинг ўзагриши, кун			
		Δ_3	Δ_5	Δ_{10}	Δ_{15}
Устюрт, Шимолий Қорақум	1,4	6 – 14	6 – 10	6 – 8	4 – 6
Орол	2,3	7 – 15	6 – 10	6 – 8	4 – 6
Қўйи Амударё	5	7 – 12	6 – 9	6 – 7	2 – 4
Қизилқум	6 – 8	7 – 18	5 – 10	3 – 7	3 – 7
	9 – 10	8 – 17	6 – 12	7 – 9	5 – 9
Сандиқли	11	8 – 15	5 – 10	4 – 9	2 – 8
Чирчиқ – Оҳангарон	12 – 14	8 – 10	6 – 8	4 – 6	4 – 8
Ўрта Сирдарё	15 – 17	7 – 17	7 – 12	5 – 8	7 – 11
	18 – 19	5 – 12	4 – 9	4 – 10	3 – 12
Фарғона	20 – 26	8 – 15	5 – 13	2 – 11	2 – 9
Зарафшон	27 – 29	5 – 11	5 – 10	4 – 8	2 – 9
Қашқадарё	30 – 31	6 – 15	6 – 10	5 – 8	7 – 10
Сурхондарё	32,33	3 – 8	2 – 8	1 – 7	1 – 7

Манба: В.Е.Чуб «Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан»

Атроф мұхиттә карбонат ангирид концентрациясынинг ортишидан келиб чиқадиган бевосита әффект күпгина қишлоқ хұжалиғы экинларининг ўсиши ва маҳсулдорлигига ижобий таъсир күрсатади. Ўсимликлар вегетациясынинг барча қулагай шароитлари билан бир қаторда карбонат ангирид гази концентрациясынинг икки марта күпайиши жүхори, пахта, тарик, сабзавот экинлари ҳамда буғдой, шоли, арпа, сули ҳосилдорлигини 1 % дан 10 % гача оширади.

Карбонат ангирид гази концентрациясынинг ўсиши, айрим нокулай шароитларда, масалан, нам етишмаслығыда ҳам, экинлар маҳсулдорлигига ижобий таъсир күрсатади. Шу билан бирга құрғоқчылықка учраган лалмикор дәхқончилікта ҳосилдорликнинг йиллараро тебраниши ҳам камайиши мүмкін. Лекин карбонат ангирид гази концентрациясынинг ўсиши шароитида экинларни парваришилаш, тупроқни зарур моддалар билан түйинтириш ҳосилдорликнинг янада юқори даражада ортиши ўргатча 20 – 40 % га етиши мүмкін. Органик моддалар, айниқса, фосфор етишмаганды, ҳосилдорлик ортиши туфайли олинадиган фойдалы имкониятни йүқотишимиз ҳам мүмкін.

Иқлимий сценарияларға күра, ёзғы ҳарораттинг ўсиши унча катта әмас, лекин қишлоқ хұжалиғи экинларни парваришилаңда нокулай ҳисобланған ўта иссиқ кунлар сони ортиши мүмкін.

Үзгидрометта қарашли НИГМИ олимлари А.Х.Абдуллаев ва Ф.А.Мұминовларнинг маълумотларидан маълумки, максимал ҳаво ҳарораттинг 40 $^{\circ}\text{C}$ юқори бўлиши тропик ва мўътадил минтақаларда қишлоқ хұжалиғи экинларни етиштиришда, айниқса, уларнинг гуллаши даврида, нокулайлик келтириб чиқаради. Ҳаво ҳарораттинг 25 $^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлиши карамга, 27 – 29 $^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлганда картошкага, 35 – 40 $^{\circ}\text{C}$ – помидорга, 39 – 40 $^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлиши эса полиз ва техника экинларига салбий таъсир күрсатади. Ўзбекистон агроклиматий районлари бўйича ҳаво ҳарораттинг мана шу оралиқлардан юқори бўлган кунларнинг ўргатча кўп йиллик сони 4.3 – жадвалда келтирилган.

4.3-жадвал. Ҳаво ҳарораттинг қулагай оралиқлардан юқори бўлган кунларнинг ўргатча кўп йиллик сони

Районлар	Ҳарорат юқори бўлган кунлар сони		
	25 $^{\circ}\text{C}$	35 – 40 $^{\circ}\text{C}$	> 40 $^{\circ}\text{C}$
3	56 – 63	36 – 40	3 – 4
5,10	70 – 88	34 – 60	5 – 13
12 – 29	45 – 74	25 – 57	0 – 3
30 – 33	84 – 103	58 – 71	8 – 25

Манба: В.Е. Чуб «Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан»

Ҳаво ҳарораттинг 25 $^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган кунлар сонининг 10 – 30 кундан 50 – 70 кунларгача ортиши карам ҳосилдорлигини 10 – 55 % га камайтиради. 35 – 40 $^{\circ}\text{C}$ ҳароратли кунлар сонининг 10 дан 50 – 80 кунгача күпайиши помидор ҳосилдорлигини 10 – 50 % га камайтиради. Полиз экинлари учун ҳаво ҳарораттинг 40 $^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган кунлар сонининг 5 дан 25 гача ортиши, ҳосилдорликни 9 – 42 % га камайтиради.

Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида 30 $^{\circ}\text{C}$ дан юқори ҳарорат қузатилган кунлар сонининг меъёрга нисбатан 15 дан 30 кунгача ортиши, пахта ҳосилдорлигини 9 – 22 % га, қолган пахта етиштирувчи районларда эса 0 – 8 % га камайтиради.

Ҳозирги кунда ва келажақда Ўзбекистоннинг асосий субориладиган майдонлари барча вилоятларда фўза экинлари билан банд бўлади. Майдони бўйича иккинчи ўринни донли экинлар, сўнг шоли ва картошка өгаллайди.

Орол дengизи ҳавзаси асосий дарлари сув ресурсларининг мүмкун бўлган ўзгаришиларини баҳолаш. Ўтмишда ишлаб чиқилган ва амалиётда мавжуд бўлган гидрологик ва сув хұжалиғи ҳисоблашлари оқимнинг ва унинг ҳосил бўлишини белгилайдиган гидрометеорологик жараёнларнинг барқарорлигига асосланади. Кейинги йилларда глобал иқлим ўзгариши оқибатида бундай қараашлар қайта кўриб чиқилмоқда. Ҳозирги кунда кечеёттан иқлим ўзгаришилари глобал гидрологик циклнинг фаоллашишига олиб келади ва регионал сув ресурсларига сезиларли таъсир күрсатади. Оқимнинг ҳосил бўлиши шарт – шароитлари ва бунинг оқибатида дарёлар ҳавзаларининг сув баланси ташкил этувчилари ҳам ўзгариади.

Регионда амалга оширилган узоқ даврли гидрометеорологик қузатишлар маълумотларининг кўрсатишича, ҳозирги кунда кечеёттан глобал исиш ўрга Осиё шароитида гидрологик циклнинг айрим компонентларида тренд сифатида акс этмоқда: буғланиш қатлами ортмоқда, қор қоплами камаймоқда, тоғлардаги музланиш сезиларли даражада қисқармоқда, гидрометеорологик қаторларнинг ўзгарувчанлиги ҳам ўсмоқда.

Сув ресурсларига иқлим ўзгаришининг таъсирини комплекс баҳолаш мураккаб вазифа ҳисобланади. Бу масала турли ёндошувлардан фойдаланиш йўли билан бир неча марта ўрганилган ва қатор баҳолашлар бир – бирига яқин натижаларни берган.

Ўзгидрометта қарашли НИГМИ мутахассислари тоғ дарёлари оқими ҳосил бўлишининг математик модели асосида иқлим ўзгаришининг турли сценарияларини эътиборга олиб, тегишли ҳисоблашларни бажарганлар. Натижаларнинг далолат беришича, яқин 20 – 30 йил давомида, иқлимий параметрлар

ўзгаришининг юқорида кўриб чиқилган диапазонларида, сув ресурсларининг жиҳдий ўзгариши кутилмайди. Шу билан бирга иқлимий параметрларнинг йиллик ўзгариши дарё оқимига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Ҳаво ҳароратининг йиллик бир текис қўтарилиши шароитида иқлимининг исиши туфайли вегетация давридаги ўртача сув сарфлари камаяди.

Муз сувлари ҳисобига тўйинувчи дарёларда ҳароратнинг йил давомида сезиларли даражада қўтарилиши оқимнинг асосий кўрсаткичлари қийматларининг катталалишига олиб келиши мумкин. Лекин, оқимнинг бу даврдаги мумкин бўлган ўзгариши табиий ўзгарувчанлик чеграсида бўлади ва оқим миқдоридаги ўзгариш 3 – 10 %дан 2 – 7 % гача оралиқда баҳоланади.

Қаторичи корреляциясини баҳолаш ва гармоникани ажратишга асосланган ҳисоблашлар яқин келажакда асосий дарёлар оқимида кузатилиши мумкин бўлган трендни аниқлашга имкон берди. Карки (Амударё) ва Бекобод – Чақир (Сирдарё) гидрологик створлари учун тикланган шартли – табиий оқим қаторларини таҳлил қилиш мисолида айтиш мумкинки, яқин йиллар давомида дарёларнинг сувлилиги ўртача кўп йиллик миқдор даражасида бўлади. 2030 йилда, ҳатто регион учун энг мақбул ҳисобланган иқлимий сценария (оқим ҳосил бўлиш зонасида атмосфера ёғинларининг 10 – 20 % га ортиши ва ҳароратнинг 0,5 °C га кўтарилиши) дан фойдаланилганда ҳам кўриб чиқилаётган зонада юза оқимнинг базавий ўртача қийматта нисбатан 10 % га кўпайишини кутиш мумкин.

Ёғинларнинг ёғиш режимининг турличалигини назарда тутадиган сценариялардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда дарёлар оқимининг ўртача миқдори ҳозирги метёрга нисбатан 90 – 110 % атрофида, вариация коэффициенти эса кўп сувли йилларни қамраб олган ҳисоб давридаги каби ортиши мумкин.

Йирик дарёлар ҳавзаларида ҳосил бўладиган сув ресурсларининг иқлим ўзгаришига нисбатан реакцияси, биринчи навбатда, дарёларнинг асосий тўйиниш манбалари нисбатларининг ўзгаришида акс этади. Бу эса улар гидрологик режимининг ўзгаришига олиб келади.


Агар ҳозирги кунда Писком дарёси ҳавзаси оқимининг ҳосил бўлишида қор сувларининг хиссаси 60 – 75 % деб баҳоланса, иқлим ўзгаришининг турли сценарияларидан фойдаланишга асосланган моделли ҳисоблашларда бу миқдор 15 – 30 % гача камаяди (4.1 – расм).

Сирдарё ҳавзаси дарёлари йиллик оқимида турли баҳолашлар бўйича музлик сувларининг ҳиссаси 8 – 15 % бўлса, келажакда унинг 20 % гача ортиши кутилмоқда. Амударё ҳавзаси дарёларида музлик сувлари ҳисобига тўйиниш 32 – 39 % гача ортиши мумкин.

Дарёлар оқимининг ёмғир сувлари ҳисобига тўйиниши ҳозирги кунда 12 – 15 % ни ташкил этса, келажакда бу миқдор 20 – 35 % гача ортиши мумкин.

Ҳаво ҳароратининг қўтарилиши билан атмосфера ёғинларининг катта қисми ёмғир кўринишида ёғади, оқимнинг буғланиш ҳисобига йўқотилиши ортади, тоғларда қишки қор тўпланиши камаяди, музланишнинг қисқариши давом этади. Бу жараёнлар бошқа гидрологик параметрларда, жумладан, аномал жараёнлар, яъни сел ҳодисалари ва тоғ кўллари тўғонлари бузилишининг фаоллашувида салбий кўринишида акс этади. Шу билан бирга, улар бошқа кўринишдаги, яъни дарёлар сув режимига у ёки бу даражада таъсир этадиган оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

4.4-расм. Турли сценариялар бўйича Писком дарёси (Сирдарё ҳавзаси, қор ёмғир сувларидан тўйинувчи) оқимининг ҳосил бўлишида қор, ёмғир ва музлик сувлари нисбатларининг базавий даврга нисбатан ўзгариши



1 – норма, 2 – GFDL, 3 – GISS, 4 – UKMO, 5 – CCCM

Манба: В.Е. Чуб «Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан»

Ўзгидрометта қарашли НИГМИ да ишлаб чиқилган кичик тоғ дарёлари оқими ҳосил бўлишининг математик модели Ўзбекистоннинг турли баландлик ва иқлимий зоналарида кичик ҳавзалар оқимининг иқлимининг мумкин бўлган ўзгаришига нисбатан реакциясини баҳолашга имкон берди. Мазкур модел бўйича баҳолаш метеорологик параметрларнинг ўзгариши асосида амалга оширилади. Кичик дарёларнинг иқлимий ўзгаришларга нисбатан реакцияси диапазони анча катта. Тўйиниши манбалари ва турли баландлик зоналарида оқимнинг ҳосил бўлиш қонуниятларига асосланган дифференциал таҳлил қўйидағиларни баён этишига имкон беради: энг катта ўзгаришларни тоғларнинг музликолди зоналарида кутиш лозим, чунки

дарёлар ҳавзаларининг бундай қисмарида оқимнинг музлик сувлари ҳисобига тўйиниши ортади, музланиш эса камаяди. Маълумки, музланиш майдони ҳавза майдонининг 1/3 қисмига тенг бўлганда, оқим ҳосил бўлишида қор ва музлик сувларининг ҳиссалари тенглашади. Бундай шароитда ва, шу билан бирга, кутилаётган исишда, атмосфера ёғинларининг ҳар қандай ўзгаришларида, дарёлардаги оқим миқдори ортади. Исиш билан бир вақтда ёғинларининг камайишини ҳам ҳисобга оладиган сценариялардан фойдаланилганда ўрта ва қуий баландлик зоналарида ҳосил бўладиган оқим камаяди. Экстремал сценариялар асосида оқимни умумий баҳолаш шуни кўрсатди, оқим ҳосил бўлиш зонасида энг катта аридашув **CCCM** модели (ўртача йиллик ҳароратнинг кўтарилиши $6,5^{\circ}\text{C}$, ёғин миқдорларининг камайиши 11 %) га тўғри келади. Мазкур модел бўйича карбонат ангирид концентрациясининг икки марта ортиши шароитида Сирдарё оқимининг камайиши 28 % ни, Амударёни эса 40 % ни ташкил этади (4.4 – жадвал). Иқлим ўзгариши **UMKO** модели асосида ривожланадиган бўлса ҳам нокулай вазият юзага келиши мумкин. Маълумки, ушбу модел бўйича ҳаво ҳарорати $5,2^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиши, йиллик ёғинлар эса 6 % га ортиши мумкин. Бундай шароитда Амударё оқимининг 21 % га, Сирдарё оқимининг 15 % га камайиши кутилади.

GFDL ва **GISS** сценарияларига кўра оқим ҳосил бўлиш зонасида ўртача йиллик ҳарорат $3-4^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиб, ёғинларининг ўртача йиллик миқдори эса 10–15 % га ортади. Бундай шароитда Амударё ва Сирдарё оқимининг сезилиларни камайишини кутмаса ҳам бўлади.

2030 йилгача тузилган регионал иқлимий сценариялар асосида бажарилган ҳисоблашлар ҳам дарёлар оқимининг ҳозирги даражада сақланишини кўрсатмоқда. Лекин, бунда оқимнинг йиллараро тебраниши ортади. Узоқ келажакка мўлжалланган баҳолашлар эса анча тушкун бўлиши мумкин. Чунки, музлик сувлари ҳисобига ҳосил бўлган оқим музликлар деградацияси туфайли йилдан – йилга камайиб боради. Бу ҳолат, айниқса, Амударё ҳавзаси дарёлари оқимининг ҳосил бўлиш режимида яққол акс этиши мумкин.

4.5-жадвал. Турли иқлимий сценариялар бўйича Орол денгизи ҳавзаси асосий дарёлари сув ресурларининг кутилаётган ўзгаришлари (базавий меъорга нисбатан % да)

Дарё	Базавий меъор, км ³ /йил	Иқлимий сценариялар				
		Маҳаллий, 2030 йилда	GFDL	GISS	UMKO	CCCM
Сирдарё	37,9	+4	+1	-2	-15	-28
Амударё	78,5	-3	0	-4	-21	-40

Манба: Иқлим ўзгариши бўйича Ўзбекистон Миллий ахбороти

Юқорида қайд этилганидек мазкур ҳавза дарёларининг кўплари музлик – қор ва қор – музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар типига киради. Бу ҳолат оқимнинг йил давомида қишлоқ хўжалиги учун қулай тақсимланиши (йиллик оқимнинг 80–90 % и апрел – октябрда ҳосил бўлади, тўлин сув давридаги энг катта оқим июнь – августга тўғри келади) га сабаб бўлади. Тўйиниши манбалари бўйича ушбу типга кирувчи дарёлар анча барқарор режим кўрсаткичларига эга бўлади. Бироқ, Ўзгидрометга қарашли НИГМИда профессор Г.Е.Глазирин усулида бажарилган ҳисоблашларнинг кўрсатишича, музланиш зонасида ёз даврларида ҳаво ҳароратининг ўртача $0,5^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиши, келажакда музлик сувлари ҳисобига ҳосил бўладиган оқимнинг 12 % га камайишини кўрсатди. Бунинг сабабини музланиш майдонининг камайиши билан тушунтириш мумкин. Маълумки, музланишнинг камайиши музнинг жадал эриши ва буғланиш ҳисобига кечади. Музлик сувлари ва қор заҳиралари ҳисобига ҳосил бўладиган оқим камайиши иқлим исишининг оқибати бўлиб, бунинг натижасида дарёлар оқимининг режим кўрсаткичлари ҳам ўзгариши. Масалан, вариация коэффициенти ортади. Исишнинг экстремал сценарияларидан фойдаланилганда, экстремал ҳодисалар (сертошкун йиллар оқим етишмайдиган даврлар билан алмашиниб туриши мумкин) эҳтимоллигининг ортишини кутиш лозим. Дарёлар оқимининг йил давомида тақсимланишининг ўзгариши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Оқим ҳосил бўлиш зонасида шаклланган деярли барча юза оқим трансчегара дарёларда тўпланади ва ундан Ўрта Осиё давлатлари биргалиқда фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки региондаги барча давлатлар учун ҳам сувдан фойдаланиш тизимини оптимизациялаш ва уни тежаб – тергаб ишлатиш жуда муҳимdir. Региондаги вазиятнинг мураккаблиги шундаки, бутунги кунда тикланадиган ер усти сув ресурслари деярли тўлиқ ўзлаштирилган. Регионда сув ресурсларининг асосий истъемолчиси – сугорма дедқончиликдир. Аҳоли сонининг анча тез ўсиши, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ривожланиши шароитида сувга бўлган талаб янада орта боради. Ўрта Осиёда ҳозирги кунда мавжуд бўлган сув етишмаслиги шароитида сув ресурсларининг келажакда, нисбатан жуда оз миқдорда бўлса ҳам, лекин барқарор камайиб бориши жиҳдий муаммони келтириб чиқаради.

5. ИҚЛІМ ЎЗГАРИШИ ОҚИБАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

5.1. Иқлім үзгаришига бирғалиқдаги Халқаро жавоб ҳаракатлари

Үтгап асрнинг 70—йилларида дунёда глобал иқлім үзгариши муаммоларини ҳал этиш йүлида мұхим қадам қўйилди. 1972 йилда давлатлар раҳбарларининг Стокгольм декларацияси қабул қилинди ва у ҳозирги кундаги табиат мухофазаси сиёсатига асос бўлди.

1979 йилда Биринчи Жаҳон иқлім конференцияси бўлиб ўтди. Бу анжуман иқлім үзгаришининг жиiddий муаммо эканлитини қайд этди. Анжуман қатнашчилари, иқлім үзгариши инсон фаолиятига қандай таъсир этиши мумкин, деган масалани ўргандилар. Конференция барча мамлакатлар ҳукуматларини «инсоният фаравонлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган антропоген иқлім үзгаришидан огоҳлантириш»га чакирувчи декларацияни қабул қилди. Анжуман қатнашчилари Жаҳон Метеорология Ташкилоти (ВМО), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф мұхит бўйича дастури (ЮНЕП) ва Илмий Уюшмалар Халқаро Кенгаши (МСНС) нинг бирғалиқдаги раҳбарлигига Жаҳон Климатология дастури (ВКП) ни таъсис этиш режасини мақулладилар.

1980 йилларнинг охири ва 1990 йилларнинг бошларида иқлім үзгариши муаммоларига бағищланган бир қатор Ҳукуматлараро конференциялар ўтказилди. Асосий воқеалар қаторида Виллах конференцияси (1985 й., октябрь), Торонто конференцияси (1988 й., июнь), Оттава конференцияси (1989 й., феврал), Тат конференцияси (1989 й., феврал), Гаага конференцияси ва декларацияси (1989 й., март), Вазирлар даражасида ўтказилган Нордвейк конференцияси (1989 й., ноябрь), Қоҳира шартномаси (1989 й., декабрь), Берген конференцияси (1990 й., май) ва Иккинчи Жаҳон иқлім конференцияси (1990 й., ноябрь) кабиларни айтиб ўтиш лозим.

Ушбу анжуманлар, илмий маълумотларни доимий тўлдириб бориш билан бир қаторда, жаҳон жамоатчилиги эътиборини мазкур муаммога қаратишга жиiddий ёрдам берди. Анжуманлар ишида давлат органларининг вакиллари, олимлар ва экология соҳасидаги мутахассислар қатнашдилар. Мазкур учрашувлар қатнашчилари ҳам илмий, ҳам сиёсий масалаларни кўриб чиқдилар ва бу борада глобал миқёсдаги ҳаракатлар лозимлигига эътибор қаратдилар.

1980 йилларнинг ўрталарида турли мамлакатлар ҳукуматлари ушбу мураккаб вазифани мустақил халқаро орган объектив кўриб чиқиши лозим, деган қарорга келдилар. Шу билан боғлиқ ҳолда 1988 йилда иқлім үзгариши бўйича Ҳукуматлараро эксперталар гуруҳи (МГЭИК) таъсис этилди. МГЭИК Жаҳон Метеорология Ташкилоти ва БМТнинг атроф мұхит мухофазаси дастури (ЮНЕП) қўмагида иқлими үзгаришлар миқдори ва муддатларини баҳолаши, рўй бериши мумкин бўлган экологик ва социал-иқтисодий эффектларни аниқлаши, салбий оқибатларни бартараф этишнинг мумкин бўлган стратегияларини таҳлил қилиши лозим.

БМТ Бош Ассамблеяси МГЭИКнинг таъсис этилишини табриклиди ва жаҳон жамоатчилигини иқлім үзгариши масалаларига устивор муаммо сифатида қарашга чақириди.

МГЭИКнинг ўзи маҳсус тадқиқотлар ўтказмайди, фақат барча мавжуд ва синчиклаб тақриздан ўтказилган илмий маълумотларни қайта ишлайди ва тўплайди. У ўз тавсияларини бериши керак эмас, балки ҳукуматларга сиёсий қарор қабул қилиш учун тегишли ахборотни тақдим этиш билан чегараланиши лозим.

МГЭИК ўзининг биринчи баҳоловчи докладини 1990 йилда тақдим этди. Юзлаб эксперталар қарашларини акс эттирган ушбу ҳисоботда, антропоген фаолият ва у билан боғлиқ бўлган чиқиндилар, иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар концентрациясининг ўсишига жиiddий таъсир кўрсатди, деган хуласа чиқарилиди. Агар бирон—бир ҳаракат қилинмаса, келгуси юз йиллик давомида ҳар ўн йилликда глобал ҳарорат ўртача $0,3^{\circ}\text{C}$ га кўтарилади.

ХХ асрнинг 90—йиллари ва XXI асрнинг бошланиши иқлім үзгариши муаммосини ечиш йўлида салмоқли бўлди. Шу ўринда 1992 йилда Рио—де—Жанейрода бўлиб ўтган Халқаро саммитни алоҳида таъкидаш лозим. Ушбу саммитда БМТнинг иқлім үзгариши тўғрисида Конвенцияси (РКИК ООН) қабул қилинди. Бу борада 1997 йилда Киото (Япония) шаҳрида бўлиб ўтган учинчи Томонлар Конвенцияси ҳам мұхим ўрин тутади. Ушбу анжуманда Киото Протоколи қабул қилинди.

Қўйида ана шу конференциялар ва уларда қабул қилинган ҳужжатларнинг иқлім үзгариши ва унинг салбий оқибатларини бартароф этиш бўйича халқаро ҳамкорликни кучайтириш борасидаги аҳамияти ҳақида тўхтalamиз.

5.2. Иқлім үзгариши ҳақида БМТ Доиравий Конвенцияси (РКИК)

Дунё мамлакатлари ҳукуматлари иқлім үзгариши ҳақида МГЭИКнинг биринчи баҳоловчи докладида қайд этилган жиiddий огоҳлантиришларни эътибордан четда қолдириши мумкин эмас эди. Шу мақсадда, муаммони ҳал этиш учун ҳуқуқий мажбурият белгиловчи дастакга эга бўлиш лозим эди.

1989 йил декабрда БМТ Бош Ассамблеяси ҳукуматларни зарур тайёргарлик ишларини бажаришга чакириди ва роппа—роса бир йил ўтгач, 1990 йил декабрда иқлім үзгариши ҳақида Доиравий Конвенция бўйича Ҳукматлараро музокара комитети тузилди. Конвенция бўйича музокаралар мураккаб кечди. Дастрлаб Конвенция қандай кўринишда бўлиши лозим, унинг охирги мақсади нимадан иборат, деган масалаларда бир хил қарашлар бўлмади. Бундан ташқари муаммо жуда мураккаб бўлиб, кўплаб иқтисодий манфаатлар ва инсон фаолияти қирраларини қамраб олган эди. Кўпчилик, Конвенция энергия истемоли муаммоларига йўналтирилган бўлиши лозим, деб исботлашга ҳаракат қилдилар. Бунда улар, атмосферага чиқариладиган карбонат ангидридинг асосий қисми қазиб олинадиган ёқиши ҳисобига ҳосил бўлади, деган фикрга асосландилар. Лекин Конвенция иқтисодиётнинг бошқа кўп қирраларини, жумладан транспорт, саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжалигини қамраб олиши лозим. Конвенция бўйича музокараларнинг

мураккаб кечиши аниқ эди. Чунки, у бутун дунё бўйича иқтисодий ва социал фаолиятга кескин равишда таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган чегаралашлар ва чеклашлар қабул қилишини талаб этади.

Бу муаммо бўйича ривожлангаётган ва ривожланган мамлакатларнинг қарашларида анча фарқлар мавжуд бўлиб, бу соҳада улар томонидан турлича нуқтаи – назарлар баён этиди. Ривожлангаётган мамлакатлар ўзларининг иқтисодий ривожланиш ҳуқуқига эга эканлигини қаътий талаб қилдилар. Улар ўз чиқиндилини чегаралаш ёки камайтириш foяларига қарши турдилар. Чунки, бу ҳолат уларнинг иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатар эди. Уларнинг фикрича, иқлимий ўзгаришлар асосан, ривожланган мамлакатлар фаолияти туфайли вужудга келган ва шунинг учун ҳам ушбу мамлакатлар ўз зиммасига масъулият олиши ва ўз ҳудудларида белгиланган тадбирларни амалга оширишлари лозим. Ривожлангаётган мамлакатларда бирон бир тадбирни амалга ошириш мўлжалланган бўлса, у ҳолда ривожланган бой мамлакатлар бу борадаги ҳаражатларни тўлашлари лозим. Шу билан бирга ривожлангаётган мамлакатлар ўртасида ҳам муаммони ҳал этиш борасида турли фикрлар мавжуд эди. Бир томондан қараганда, фикрларнинг хилма – хиллиги кичик оролларда жойлашган мамлакатларга хосдир. Чунки, уларда Дунё океани сатҳининг кўтарилиши натижасида ҳудудининг катта қисми сув остида қолади. Иккинчи томондан, қазиб олинадиган ёқилғилар истеъмолини камайтириш бўйича белгиланган чоралар нефть етказиб берувчи давлатлар иқтисодиётига зарар келтиради.

Ривожланган мамлакатлар ўзларига асосий масъулиятни қабул қилдилар ва чиқиндилини камайтириш бўйича чоралар кўришга тайёр эканликларини билдиридилар. Улар ривожлангаётган мамлакатлар ҳаракатларини қўллаб – қувватлашга ҳам рози бўлдилар. Лекин, улар янги молиявий механизм тузишга қарши бўлиб, бу функцияни 1991 йилда таъсис этилган Глобал Экологик Фонд бемалол бажариши мумкин, деган фикрни олға сурдилар.

Кўриб чиқилаётган масалаларнинг мураккаблигини, фикрларнинг турличалигини ва қарор қабул қилиш учун вақтнинг чегараланганигини ҳисобга олганда, шу нарса аниқ бўлдики, Конвенцияда чиқиндилирга қандайдир миқдорий чегаралашларни белгилаш имконияти мавжуд эмас. Умумий тамоилиларни ҳисобга олиб, лекин, ривожланган ва ривожлангаётган мамлакатлар масъулиятларига ўзига хос ёндошган ҳолда, доиравий келишув матни маъқулланди. Бу ҳолат, келгусида шу соҳадаги фаолиятни ривожлантиришга имкон беради.

Конвенция 1992 йил 9 майда тўла қабул қилинди. У Рио – де – Жанейродаги Жаҳон саммитида имзолаш учун тақлиф этилди. Ана шу анжуманда уни 154 мамлакат ва Европа ҳамжамияти имзоладилар. 1994 йил 21 март куни, 50 та мамлакат уни ратификация қилгандан сўнг, орадан 90 кун ўтгач, Конвенция кучга кирди. Бугунги кунда 189 мамлакат Конвенция Томонлари ҳисобланади. 2004 йил марта Конвенциянинг амалда кучга кирганлигининг 10 йиллиги нишонланди.

Конвенция озон қатламини парчаловчи моддалар бўйича Монреал протоколига кирмаган иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи газларни ҳам қамраб олади. Ҳозирги кунда Конвенция Томонлари асосий эътиборни иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи қуийдаги газларга қаратган: *карбонат ангириг (CO_2), метан (CH_4), азот оксиги (N_2O), перфторуглеродлар (PFCs), гидрофторуглеродлар (HFCs) ва олтингурут гексафториди (SF_6)*. Булар глобал исишига таъсир этувчи биргина газлар эмас, лекин уларнинг асосийси ҳисобланади. Перфторуглеродлар ва гидрофторуглеродлар хлорфторуглеродларнинг ўрнини босади. Чунки, хлорфторуглеродлар 1987 йилдаги Монерал протоколи доирасида стратосферадаги аzon қатламини парчаловчи сифатида фойдаланиш учун тақиқланган. Юқорида санаб ўтилган газларнинг барчаси глобал исишига олиб келади, лекин уларнинг айримлари бу борада нисбатан кучли таъсир кўрсатади. Масалан, юз йиллик давр мобайнида 1 тонна метан 21 тонна карбонат ангиридига тенг миқдорда иссиқхона эффектини ҳосил қиласи. 1 тонна гидрофторуглерод эса минглаб тонна карбонат ангиридига эквивалентdir. Шунинг учун иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи газлар чиқиндилини инвентаризациялашга тайёргарлар даврида чиқиндилиарнинг карбонат ангиридига тўғри келадиган эквивалент қўйматлари аниқланди.

Карбонат ангирид иқлимий ўзгаришга ҳаммадан кўп таъсир кўрсатади, чунки, у атмосферага қазиб олинадиган ёқилғиларни ёкиш натижасида жудда катта миқдорда чиқарилади (углерод миқдори бўйича ҳисобланганда йилига 6,5 млрд. тоннага тўғри келади). Кўпчилик давлатларда ҳам иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи газлар чиқиндилирининг катта қисми шунга тўғри келади. Лекин, бошқа газлар кам миқдорда чиқарилса ҳам, жиддий назорат остида бўлиши лозим, чунки, уларнинг глобал исишидаги ҳиссаси анча юқори. Конвенция мақсадларига эришиш учун жавобгарлик 189 Томонлар орасида, уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини ҳисобга олиб, бўлиб чиқилган. Мамлакатлар таснифи ва уларнинг жавобгарлиги Конвенцияга илова қилинган рўйхатда акс этган.

I Иловадаги Томонлар – 41 та ривожланган мамлакат бўлиб, унга Европа иттилоғи РКИК Томонлари сифатида мустақил киритилган. I Илова мамлакатлари 2000 йилда чиқиндилиар миқдори бўйича 1990 йил даражасига қайтишни режалаштирган эдилар. Улар Конвенцияни амалга ошириш бўйича мунтазам ҳисобот топширишлари лозим. Бу ҳисоботларда атмосферага чиқариладиган иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи газлар ҳажми, бу борада мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган сиёсат ва чоралар, уларнинг чиқиндилиар динамикасига таъсири акс этиши лозим.

II Иловадаги Томонлар – булар I Иловадаги мамлакатларнинг бир қисми, яъни 24 та юксак ривожланган мамлакатлардир. Улар ўз чиқиндилини камайтириш билан бир қаторда ривожлангаётган мамлакатларга молиявий ва бошқа кўринишда кўмак бериладиган.

Иқтисодиётни ўтиш давридаги мамлакатлар – 14 та мамлакат бўлиб, уларга асосан, Шарқий ва Марказий Европа ҳамда Собиқ Иттилоғ, республикалари киради. Ҳозирги кунда улардан 8 таси Европа Иттилоғининг аъзосидир. Бу мамлакатлар I Иловада келтирилган, лекин улар II Иловадаги мамлакатлар каби қўшимча мажбуриятлар қабул қилишмаган.

I Иловага киритилмаган Томонлар – булар РКИКнинг биронта Иловасига киритилмаган Томонлардир. Улар асосан ривожлангаётган мамлакатлардир. Конвенциянинг ҳамма Томонлари каби бу мамлакатлар ҳам иқлим ўзгариши билан кураш соҳасида умумий мажбуриятларга эга, лекин уларда аниқ мажбуриятлар кам ва ташкӣ ёрдамни қабул қилишга тайёр бўлишлари лозим. Булар ҳам Конвенцияни амалга ошириш бўйича кўрилаётган ёки режалаштирилаётган ишлар ҳамда иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи газлар чиқиндилини баҳолаш бўйича ахборот тақдим этишга мажбур.

Умуман олганда, иқлим ўзгариши ҳақида БМТнинг Доиравий Конвенцияси кучга кирган 10 йилдан бўён халқаро келишилган ҳаракатларга мустаҳкам пойдевор қўйди.

5.3. Томонлар Конференцияси

Барча Томонлар ҳар йили Томонлар Конференцияси (КС)да учрашадилар. Бу иқлим ўзгариши ҳақида Доиравий Конвенцияни амалга ошириш жараёнини баҳоловчи ва тегишли қарор қабул қилувчи олий органдир.

Томонлар Конференциясига иккита бош ёрдамчи органлар кўмак беради:

1. Илмий ва техника соҳалари бўйича маслаҳат берувчи Гурдамчи орган (SBSTA);
2. Амалга ошириш бўйича Гурдамчи орган (SBI).

Бу органлар ҳам барча Томонлар учун очиқдир. Улар йил давомида икки марта учрашадилар ва асосий техникавий ишларни бажарадилар.

Биринчи Гурдамчи орган Томонлар Конференциялари учун илмий, технологик ва услубий масалалар бўйича ахборот материалларини тайёрлади.

Иккинчи Гурдамчи орган молиявий ва маъмурний масалалар ҳамда қатор шунга ўхшаш муаммолар, масалан, РКИК бўйича миллий ахборотларни тақдим этишга оид ишларни бажаради.

Булардан ташкари РКИКнинг бошқа вакилли органлари ҳам мавжуд.

Томонларнинг I Конференцияси 1995 йил март – апрелда Германияда бўлиб ўтди. Унда делегатлар «Берлин мандати» – Томонларнинг чиқиндилиар миқдорини аниқ белгиланган муддатда камайтириш бўйича музокаралар бошлаганлиги ҳақида қарор қабул қилди.

5.4. Киото протоколи

1997 йилда, Киото протоколи имзолангунга қадар, Томонларнинг мажбуриятлари қисқа муддатга белгиланган аниқ мақсадлар кўринишида шаклланмаган эди. Протокол аниқ мақсадларни белгилаб қолмай, уларга эришишнинг инновацион механизмларини ҳам таклиф этди. Киото протоколи 2005 йил 16 февралдан кучга кирди.

Юқорида қайд этилганидек, Конвенция инсониятнинг иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи газлар чиқиндилини ўсишига қарши кураш борасида қўйилган биринчи тарихий қадами бўлди. Лекин, унда чиқиндилини камайтириш борасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича аниқ миқдорий мақсадлар ва вақт чегаралари кўрсатилмаган эди. Конвенция Томонлари иқлими ўзгаришларнинг ривожини ва иқлимга таъсирни камайтиришдан иқтисодий фойда олиш мумкинligини ҳисобга олиб, мажбуриятларни кучайтириш лозимлиги ҳақидаги хуносага келдилар.

Конвенция кучга киргандан 1 йил кейин шуни нарса аниқ бўлдики, кўпчилик саноати ривожланган мамлакатлар бу борада амалий чораларни кўришлари лозим. 1995 йилда **Томонларнинг Биринчи Конференциясида**, «Берлин мандати» доирасида, янада фаол ва самарали ҳаракатларга чақириқ сўзлари айтилди. Бунда Конвенция бўйича турли мамлакатларнинг мажбуриятлари бир хил эмаслиги ҳисобга олини. Томонлар **«2000 йилдан кейин тегишили чоралар кўриш, бунда II Иловагаги Томонлар мажбуриятларини протокол Ги қонуний дастак қабул қилиши ўйли билан янада қатъийлаштириш»** га келишидилар.

«Берлин мандати»да шу нарса кўрсатиб ўтилдики, музокара жараёни ривожлангаётган мамлакатлар учун **«биронта янги мажбурият киритиши»**ни назарда тутмаслиги ва асосий ёътиборни мавжуд мажбуриятларни бажаришга қаратиши лозим.

«Берлин мандати»да қабул қилинган ташаббус натижали бўлди. Кейинги икки йилдаги музокаралар муваффақият келтирди. 1997 йил декабрда, Киото (Япония) шаҳрида Томонларнинг Учинчи Конференциясида биринчи қўшимча шартнома – Киото протоколи қабул қилинди.

Киото протоколи чиқиндилини чеклаш ва иқлим ўзгариши муаммоси бўйича ишончли мониторинг тизимини яратишда ривожланган мамлакатларнинг аниқ белгиланган мажбуриятларни кўрсатиб берди.

Киото протоколи бўйича ривожланган мамлакатлар 2008 – 2012 йиллар давомида ўзларининг иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи 6 турдаги газлари чиқиндилини 1990 йилдагига нисбатан 5 % га камайтириши лозим. Турли мамлакатларнинг мажбуриятлари бир – биридан фарқ қилади. Масалан, Венгрия, Япония ва Польша чиқиндилини 6 % га, АҚШ 7 % га, Европа иттилоғи 8 % га камайтиришлари лозим. Янги Зеландия, Россия Федерацияси ва Украина эса 1990 йилдаги чиқиндилиар миқдоридан ошираслиги лозим. Австралия, Исландия ва Норвегияга 1990 йилдаги миқдордан мос равища 8,10 ва 1 % га ошириш рухсат этилади.

Хукуқий мажбуриятли мақсадларга эга бўлган Киото протоколининг қабул қилиниши – ривожланган мамлакатларнинг антропоген чиқиндилининг узоқ муддатли тенденцияларини ўзгаришишда етакчиликни ўз зиммаларига олганлигининг ёрқин ифодасидир. Протокол – иқлими ҳаракатларнинг глобал системасини тузишда қўйилган жиiddий қадамдир. Шу билан бирга у янги технологияларнинг, айниқса энергетика ва транспортда, ҳаракатга келишига жиiddий таъсир кўрсатиши мумкин. У кўплаб мамлакатларга ўз иқтисодиётини XXI асрга мос равища

шакллантиришларига ва уларнинг барқарор ривожланиш йўлига ёрдам бериши ҳам мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, протоколни келажакнинг ўта бақувват иқтисодий дастаги сифатида қабул қилиш мумкин.

Киото протоколи қўйидагилар амалга оширилганда самарали ҳисобланади:

- а) Томонлар ўз мажбуриятларини тўла – тўкис бажаргандарида;
- б) эришилган тараққиётни баҳолашнинг аниқ механизми яратилганда;
- с) чиқиндилар ҳақида аниқ маълумотлар ишлатилганда.

Киото протоколи ҳамда 2001 йил Марракеш (Марокаш) шаҳрида Томонларнинг VII Конференциясида қабул қилинган **битим** мажбуриятларининг бажарилиши ва мониторингни баҳолашнинг қатор расмий томонларини қамраб олади. Белгиланган процедуралар протоколда қайд этилган қоидаларнинг аниқ ишлашини таъминлаши, мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлган барча саволларга жавоб бериши, хато ва ноаниқ маълумотлар олиш эҳтимолини камайтириши лозим.

Мажбуриятларни бажаришни назорат қилиш тизими – амалдаги Халқаро битимлар ичида миёс жиҳатдан катта ва аниқdir. Протокол доирасида ташкил этиладиган амал қилиш Комитети эҳтимолли тортишувларни ҳал этади. Унинг асосий мақсади – жазолаш органи эмас, балки мажбуриятларни бажаришда тараққиётга раҳномалик қилишdir.

Кўпгина мамлакатлар учун Киото протоколида қайд этилган мақсадларга эришиш оддий вазифа эмас. Австралия ва АҚШ Протоколни ратификация қилмасликларини эълон қилдилар. Чунки, унда кўрсатиб ўтилган мажбуриятларни бажариш бу давлатлар иқтисодиётiga зиён келтириши мумкин. Чиқиндиларни чеклаш бўйича кўзда тутилган миқдорий мақсадлар етарли даражада жиҳдийдир. Шу туфайли кўпгина мамлакатлар бу борада кўзда тутилган мақсадларга эришишда маълум қийинчилкларга дуч келдилар. Шу ҳолатни ҳисобга олиб, Протоколда қўйидаги учта механизм назарда тутилган:

- **тоза ривожланиш механизми (МЧР);**
- **биргаликда амалга ошириш лойиҳаси (ПСО);**
- **чиқиндилар квотаси савдоси.**

Уларни кўпинча қулай механизmlар деб номлашади ва бу механизmlар мамлакатларни миллий чегаралардан ташқарида ҳам ҳаракат қилишларига имкон беради.

МЧР барқарор ривожланиш стратегияси элементи сифатида яратилди. У саноати юксак даражада ривожланган мамлакатларга ривожланаётган мамлакатлардаги «тоза» лойиҳалар учун маблаг инвентиция қилишга имкон беради. Натижада ўзлари чиқиндиларни камайтиргани учун сертификацияланган бирлик (CERs) оладилар. Бу бирликлар карбонат антидрид гази эквивалентида тоннада ифодаланади. Бундай лойиҳалар учун маблаг ажратган мамлакат олган бирликларини чиқиндилар бўйича ўзининг мажбуриятларини бажаришда фойдаланиши ёки бошқа мамлакатларга сотиши мумкин. Атом энергетикаси лойиҳалари бундан мустаснодир, чунки уларда чиқиндиларни CERs бирликларида олиш имконияти мавжуд эмас.

2001 йилда РКИК қошида МЧРнинг Ижро органи таъсис этилди. Бу орган муваффақиятли ишламоқда ва Томонлар Конференциясининг ижобий тақризини олди.

МЧР ишбилармон доиралар ва лойиҳалар муаллифларининг катта эътибори ва қизиқишини ўзига қаратди. Бу механизмни турли мамлакатлар ҳукуматлари ҳам катта ташабbus билан қабул қилдилар, 60 дан ортиқ мамлакатлар эса МЧР ни амалга ошириш учун ўзларининг миллий вакиллик органлари (DNAs)ни таъсис этдилар.

Иккинчи механизм – **ПСО** лойиҳаларни амалга оширишга асосланади ва МЧР га ўхшаш фаолият кўрсатади. Лекин, бунда лойиҳада иштирок этаёттан ҳар икки томон I Иловага киритилган ва Киото протоколи доирасида чиқиндиларни чеклаш бўйича мажбуриятларга эга бўлишлари лозим.

Бунда лойиҳаларни амалга оширишнинг иккита варианти назарда тутилган.

I варианда чиқиндилар инвентаризацияси ва регистри бўйича ишончли маълумотлар ҳамда уларни ҳисобга олишнинг самарали тизимига эга бўлган давлатлар назарда тутилади. Бундай ҳолатда чиқиндиларни камайтириш бирлиги 2008 йилга мўлжалланган даражага эришган мамлакат (албатта миллий қоида ва процедурага амал қилган ҳолда) халқаро назоратни аралаштирумасдан ўз бирлигини иккинчи томонга бериши мумкин.

II вариант шундай мамлакатларни назарда тутадики, улар тегишли талабларни бажариш имкониятига эга эмас. Шу туфайли мазкур вариантни мақбул кўради. Бундай ҳолатда лойиҳани амалга ошириш халқаро орган – Кузатувчи Комитет назоратида бўлади. Бу комитет Конвенция секретариати томонидан қўллаб-қувватланади ва маълум компанияни «мустақил вакилли ташкилот» сифатида аккредитация қилиши мумкин. Келажакда бу компания Конвенция номидан лойиҳа бўйича мамлакат фаолиятини ва чиқиндиларни камайтиришни баҳолайди.

Учинчи механизм – **чиқиндилар квотаси савдоси** нинг тамойиллари Марракеш битимида белгиланган. Бунда савдода кимлар иштирок этиши мумкин, қандай бирликлар сотилади, мамлакатнинг ўзида қолиши лозим бўлган заҳира квота кабилар аниқ кўрсатилган. Айрим мамлакатлар – Европа иттифоқи, Япония, Канада ҳозирнинг ўзидаёқ ўзларининг савдо тизимини ишлаб чиқишни бошладилар. Европа иттифоқида квоталар савдоси 1 январь 2005 йилда бошланди.

Киото протоколида трансакцияни ҳисобга олишнинг асосий элементи – рўйхатга олиш тизимиdir. Ҳар бир мамлакат – Протокол қатнашчиси ўз миллий регистри (реестр) – маълумотларнинг электрон базасини ташкил этиши лозим. Унда компания ва ҳукуматлар томонидан Киото механизми асосида амалга оширилётган чиқиндилар бирликларининг барча кўчишлари ҳисобга олинади. Миллий регистр мамлакатлар орасида бирликлар кўчишини ҳисобга олиш мисадида бошқа регистрлар билан боғланиши мумкин. Бирликларни сотиб олган мамлакат улардан Протокол бўйича ўз мажбуриятини бажариш йўлида фойдаланиши мумкин.

2005 йилда Секретариат миллий регистрлар билан боғлиқ бўлган трансакцияларни рўйхатга олиш тизими – халқаро ҳисоб «журнал»и (ITL)ни таъсис этиши лозим. Бу журналда кўрсатилган тасдиқ барча трансакцияларнинг қабул қилинган қоидаларга мос келишидан дарак беради.

Киото системасидаги квоталар савдосининг асосий элементлари ҳозирдаёқ белгилаб қўйилган. Лекин кўпгина масалалар, жумладан, 2008–2012 йиллардаги углерод бозорининг мумкин бўлган ўлчами ҳозирча ноаниқ. Бу кўпгина омилларга, аввало, келажақдаги чиқиндилаар миқдорига ва Киото мажбуриятларини бажариш бўйича ҳаракатларнинг самаралилига боғлиқдир. Савдога қўйилиши мумкин бўлган бирликлар миқдори МЧР ва ПСО доирасида чиқиндилаарни қанчага камайтирилганлигига боғлиқ. Бундан ташқари ортиқча квоталарга эга бўлган мамлакатларнинг мавзеи ҳам муҳим аҳамиятта эга. Масалан, иқтисодиёти – ўтиш давридаги мамлакатлар ўзларининг ортиқча квоталарини сотадиларми ёки келажақдаги мажбуриятлари учун сақлаб қўядиларми ?

Бутунги кунда мамлакатлар, ўзларининг миллий салоҳияти ва имкониятларига мос равишда, Киото мажбуриятларини бажаришнинг турлича йўлларини режалаштироқдалар.

Масалан, нидерландлар чиқиндилаарни камайтиришнинг деярли ярмини бу борада ўзининг ички сиёсати ва тадбирларини амалга ошириш ҳисобига режалаштироқда. Мажбуриятнинг иккинчи ярми эса Киото меҳанизми ҳисобига эришилади. Норвегия, Дания, Канада, Янги Зеландия ҳам шунга ўхшаш стратегияни режалаштироқда. Бошқа мамлакатлар, масалан, Швеция ўз мажбуриятларини тўлалигича ички имкониятлари ҳисобига бажариш ниятида. Франция «яшил соғликлар» дан фойдаланади.

Айрим мамлакатларда, бажариладиган иш режа ва ҳаракат дастурларини ишлаб чиқишга келганда, аксарият ҳолларда, маҳаллий ҳукуматлар ташаббусни ўз қўлларига олмоқдалар ва иқлим ўзгаришига қарши сиёсат ва чора – тадбирларни марказий ҳукуматга нисбатан қатъий амалга ошироқдалар. Бу ҳолат АҚШ ва Австралия мисолида аниқ кўринади. Масалан, Нью – Жерси ва Орегон штатлари иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар чиқиндилаарни камайтириш бўйича биринчилардан бўлиб ўз мақсадларини эълон қилдilar. Ҳозирги кунда АҚШ нинг 37 штати иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар чиқиндилаарни инвентаризация қилдilar. Австралия штатлари ҳам чиқиндилаарни камайтиришини эълон қилди. Янги Жанубий Ўэльс 1996 йилдаёқ «углерод» чиқиндилаарни савдоси бўйича қонунчиликни қабул қилди. Лекин, амалдаги савдо эса марказий ҳукумат чиқиндилаарга чеклаш қўйгандан кейингина бошланади.

Шундай қилиб, Киото протоколи иқлим ўзгариши муаммосини жамоатчилик томонидан ҳис қилиш йўлида жуда катта таъсир кўрсатди. Бу ҳолат, ҳатто, уни ратификация қилишдан бош тортган давлатларга ҳам тегишилди. Ҳақиқатдан ҳам бутунги кунда Протокол халқаро жамоатчиликнинг диққат марказида бўлмоқда. Протокол низомлари ҳозирги кундаёқ кўпгина йўналишларда ҳаракат бошлашга имкон берди. Маслан, МЧР барқарор ривожланиш лойиҳаларига инвестицияни жалб этиш қудратига эга, чиқиндилаарга квоталар савдоси фояси эса бутун дунёни қамраб олди. Шубҳа йўқки, келгуси ўн йиллиқда иқлим ўзгариши соҳасидаги сиёсат Киото Протоколини амалга оширишнинг самаралилигига ва уни руҳлантирувчи ҳаракатларга боғлиқ бўлади.

5.5. Миллий ахборот алмасиши ва уни кўриб чиқиш

Ҳукуматлараро ахборот алмашув иқлим ўзгариши ҳақидаги Конвенциянинг қандай ишлashiда жуда муҳим аҳамиятта эга.

Конвенция ўз иштирокчиларига доимий равищда Томонлар Конференцияси (КС) га «миллий ахборотларни» тақдим этиш мажбуриятини юклайди. Бу ахборотлар иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газларнинг миллий чиқиндилари, халқаро ҳамкорлик ва миллий фаолият ҳақида бўлиб, улар Томонлар Конвенциянинг самаралилигини ҳис қилишлари ва келажақда миллий ва глобал миёсда амалга ошириладиган ҳаракатлар учун тегишли хуносаларга келишларида зарурдир.

Миллий ахборотларда, Конвенцияни амалга ошириш мақсадида, у ёки бу мамлакатлар амалга ошираётган ишлар баён этилади. Ахборотлар иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар чиқиндилаарни чеклаш бўйича чоралар, иқлим ўзгаришига мослашиш, иқлим бўйича тадқиқотлар, иқлим ўзгаришининг экосистемалар ва қишлоқ ҳўжалигига таъсири устида кузатишлар, саноатчилар томонидан ихтиёрий киритилган таклифлар, иқлим ўзгариши компонентини узоқ муддатли режалаштиришда ҳисобга олинганлиги, соҳилбўйи зоналаридан рационал фойдаланиш, оғатларга тайёр туриш, жамоатчиликни қайд этилган масалаларга тайёрлаш ва хабардор қилиш кабиларни ҳам тақдим этадилар.

Ривожланган мамлакатлар ва иқтисодиёти ўтиш давридаги мамлакатлар чиқиндилаарни чеклаш бўйича ўзлари амалга оширган ишлари ҳақида қўшимча маълумотлар беради. Бу мамлакатлар I Иловага киритилган бўлиб, ўз ахборотларида чиқиндилаарни камайтириш ва уни минимум ҳолатга келтириш бўйича қабул қилган сиёсатлари ва тадбирларини баён этиши лозим. Улар иссиқхона эфекти ҳосил қилувчи газлар чиқиндилаарнинг йиллик йигинди ҳажмлари кадастрини ҳам тақдим этадилар.

I Иловага киритилган Томонларнинг миллий ахбороти уч босқичли жараёнда кўриб чиқилади. Конвенция секретариати кўриб чиқишнинг ҳар бир циклига ривожланган, ривожланаётган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан эксперталар гурухини тўплайди.

Биринчи навбатда улар тақдим этилган ахборотлардаги маълумотларни бир тўпламга келтиради ва умумлаштиради.

Иккинчи этапда алоҳида ахборотлар чуқур кўриб чиқилади. Эксперталар ҳар бир ахборотни ҳар томонлама техник баҳолашдан ўтказади, айрим ҳолларда мамлакатга ташриф буюришлари ҳам мумкин. Бундай ёндошув, жуда жиiddий таҳлилни таъминлашидан ташқари,

ривожланаётган малакатларга, бу жараёнда ўз экспертларининг иштирок этиши ҳисобига, имкониятларини янада юксалишига йўл очиб беради.

Биринчи босқичдаги умумлаштиришда ва иккинчи босқичдаги батафсил кўриб чиқиша тўплланган ахборотлар «якуний ва умумлаштирувчи» доклад тайёрлаш билан якунланади ва Томонлар Конференциясига тақдим этилади.


Бу жараён Томонлар Конференциясида ҳар томонлама кўриб чиқиш билан якунланади. **Ушбу учинчи босқичнинг** мақсади, асосан, иқлим ўзгариши билан кураш борасида халқаро тадбирларга Конвенция қандай таъсир кўрсатаётганлиги ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишдир. Шу бутунги кунгача мана шундай кўриб чиқишларнинг учтаси амалга оширилди, уларнинг охиргиси 2002 – 2003 йилларда бўлиб ўтди.

Чиқиндилар ва иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи газлар абсорбцияси миллий кадастри ҳар йили тақдим этилади. Бу маълумотлар ҳар бир газ чиқиндисини, уларнинг манбалари ва атмосферадаги иссиқхона эффиқтини ҳосил қилувчи газларни абсорбциялайдиган «ютувчилари» (масалан, ўрмонлар) га ажратиб, миқдорий қийматлари кўрсатилган ҳолда умумлаштирилади. Бу ахборотлар ўзаро келишилган методологиядан фойдаланган ҳолда тўпланиши лозим. Шундагина улар миллий маълумотларнинг кетма – кетлиги ва ўзаро солиширувчанилигини таъминлайди ҳамда глобал вазият ҳақидаги ахборотлар тўпламида улардан фойдаланиш имконини беради. Бундай кадастрлар экспертлар томонидан йиллик техник таҳлилдан ўтказалади.

Охирги маълумотлар (2000 йил)нинг кўрсатишича, иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи газлар чиқиндилари миқдори жуда бой мамлакатларда 1990 йилга нисбатан 8 % га ортган. Бу рақам «тўпловчилар»да ютилган қийматни ҳисобга олмайди. Шу билан бир вақтда иқтисодиёти ўтиш давридаги мамлакатлар (Марказий ва Шарқий Европа, сабиқ Совет Иттилоғи мамлакатлари)да иқтисодий қайта қуриш туфайли чиқиндилар 37 % га камайган. Натижада, ривожланган мамлакатлар мана шу даврда ўзларининг умумий чиқиндиларини 3 % га камайтирилдилар ва бу билан Конвенцияда қўйилган мақсадга эришдилар. Маълумки, Конвенцияда 2000 йилга келиб, чиқиндилар миқдори 1990 йил даражасида бўлиши кўзда тутилган эди (5.1 – расм).

Саноати ривожланган мамлакатларнинг йифинди чиқиндилари 2000 – 2010 йиллар оралиғида 8 % га кўпайиши мумкин (чиқиндиларнинг 1990 йил даражасига нисбатан 17 % кўп). Прогнозларга кўра, ҳозирги кунда чиқиндиларни чеклаш бўйича кўрилаётган тадбирларга қарамасдан шундай бўлиши кутилоқда. Шу билан бир вақтда иқтисодиёти ўтиш давридаги мамлакатларда 1990 йилнинг боши ва ўрталарида кузатилган пасайишдан сўнг, қайта тикланиш ҳисобига, чиқиндилар миқдорининг ортиши бошланди. Натижада, бу мамлакатларда 2000 – 2010 йиллар оралиғида чиқиндилар миқдори 11% га ортиши мумкин (1990 йилдагига нисбатан 10% ортади).

5.1-расм. Аҳоли жон боши ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бирлигига тўғри келадиган карбонат ангидрид чиқиндилари



Манба: Биринчи ўн йиллик, РКИК ООН, 2004

2000 йилда ривожланган мамлакатларда карбонат ангидрид миқдори умумий газлар чиқиндиларига нисбатан 82 % ни ташкил этди. Учинчи босқич кўриб чиқиша таъқидланганидек, карбонат ангидриднинг асосий манбай ёқилгини ёқишидир. Кўриб чиқиш жараёнига жалб этилган 32 та мамлакатда 1990 йилда чиқиндиларнинг асосий қисми карбонат ангидридга тўғри келди. Шундан кўриниб турибдики, карбонат ангидрид антропоген фаолият натижасида атмосферага чиқарилаётган газларнинг асосий қисмини ташкил этади. Ҳукуматлар карбонат ангидрид чиқиндилари бўйича маълумотларнинг юқори даражада ишончли деб ўйлайдилар (ердан фойдаланиш ва ўрмон хўжалиги секторидаги ўзгаришлар бундан мустасно).

Метан ва азот оксидига умумий чиқиндиларнинг, мос равищда, 10 ва 6 фоизи тўғри келади. Бу газлар бўйича маълумотларнинг ишончлилик даражаси иқтисодиёт секторига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Метан ва азот оксидининг чиқиндиларнинг умумий ҳажмидаги ҳиссаси 2000 – 2010 йиллар оралиғида, прогнозларга кўра, камаяди. Бу ҳолат химия саноати тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ва чиқитлар секторига амалга ошириладиган сиёсат ва тадбирлар билан боғлиқдир. ХФУ, ПФУ ва SF₆ ларнинг биргалиқдаги

чиқиндилари 2000 йилда умумий чиқиндилар ҳажмига нисбатан 2 % ни ташкил этди. Жорий ўн йиллик давомида кўп мамлакатларда бу чиқиндиларнинг асосан ХФУ ҳисобига кўпайиши куттилмоқда.

Ривожланган мамлакатлар бутунги кунда иқлимининг глобал исишини олдини олиш борасида турли – туман стратегия ва тадбирларни ўрганимодалар. Ҳукумат танлаб оладиган стратегия, маълумкӣ, сиёсий структура ва умумий иқтисодий ҳолатнинг миллий шарт – шароитидан келиб чиқади. Уларнинг кўпчилиги «ютқизиқларсиз» тадбирларга киради. Бу тадбирлар экологик ёки иқтисодий фойдани таъминлайди ва шу билан бирга иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга имкон беради. Меъёрий бошқариш ва иқтисодий усуларга асосланган тадбирлардан ташқаш, кўриладиган айрим чоралар илмий тадқиқотлар ва ишланмалар ҳамда аҳоли ўртасида ахборот ва матърифат тарқатиш билан боғлиқдир.


Иқтисодиётнинг кўпчиллик мухим секторларида аниқ чора – тадбирлардан фойдаланимодада. Энергетика (кўпчиллик давлатларда чиқиндиларнинг энг юрик манбаи) секторидаги стратегия углерод миқдори жуда кичик ёки умуман йўқ бўлган ёкили турларига ўтиши, энергетика бозорини либераллаштиришни ва кўмир саноатини субсидиялаш тизимини тутатиши қамраб олади. Саноатта тегишили стратегия эса ихтиёрий битимлар, самаралилик стандартлари, молиявий раъбатлантириш ва энергоресурслар баҳосини либераллаштиришни кўзда тутади. Бу борада уй – жой, коммерция ва институтционал сектордаги ишлар янги биноларни қуришда энергия самаралигини таъминлаш, энергия баҳосини ошириш ва оммавий – матърифий тадбирлар билан боғлиқдир. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбирлар эса моллар сони ва ўғитлардан фойдаланишни камайтириш ҳамда чиқитларни узоқлаштириш ва утилизация тизимини яхшилаш кабиларни қамраб олади. Кўплаб мамлакатлар транспорт секторини кенгайтиришни режалаштираётган бўлсаларда, мазкур сектор ишлаб чиқарадиган чиқиндиларни чеклаш бўйича қабул қилинган тадбирлар ҳақида маълумотлар нисбатан жуда камди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг 100 га яқини ўзларининг миллий ахборотларини 1997 йилдан бошлаб тақдим этмоқдалар. Бу ахборотларни улар келишувчи томонлар сифатида тан олинганидан сўнг ҳамда зарур молиявий ресурсларга эга бўлгач 36 ойдан кейин тақдим этишлари зарур. Жуда бўш ривожланган мамлакатлар сифатида тан олинган Томонларнинг ilk ахборотларни тақдим этиш муддати ўзларига боғлиқ.

5.6. Иқлим ўзгариши таъсирига мослашиш

Бутунги кунда иқлим ўзгаришига мослашиш зарурлигини инкор этиш мумкин эмас. Масала мослашиш зарурми, деб эмас, балки, қандай мослашиш керак, деган тарзда қўйилиши лозим. Мослашиш бўйича фаолиятнинг катта қисми иқлим таъсирини баҳолаш ва ўрганишга қаратилганлиги ҳайрон қоладиган иш эмас. Иқлимий ўзгариш таъсирини баҳолаш, унинг қанчалик хавфли эканлигини муҳокама қилиш ва мослашиш усулларини таклиф этиш кабилар бу масаланинг таркибий қисмларидир.

5.2 – расм. Иқлим ўзгариши ва мажмуали Ҳдошув



Манба: Биринчи ўн йиллик, РКИК ООН, 2004

Бу таъсири баҳолаш даражаси охирги ўн йиллиқда анча яхшиланди. Бу эса жамоатчиликни шу соҳада ахборот билан таъминланишига ёрдам берди ва амалий ҳаракатларга йўл очиб берди. Иқлим

ўзгаришига антропоген таъсирни комплекс баҳолаш системасининг схематик тасвири 5.2 — расмда кўрсатилган.

Қуида мослашишнинг асосий тушунчаларини келтирамиз.

Адаптация (мослашиш) — табиий система ёки инсониятнинг мавжуд ёки кутилаётган иқлим ўзгаришлари ва уларнинг намоён бўлишига жавоб сифатида мослашиши. Бундай мослашиш кутилаётган зарарни камайтиради ёки қулай вазиятлардан фойдаланишига имкон беради. Адаптациянинг қуидағи турлари фарқланади: оддиндан кўзда тутилган, реактив, хусусий, ижтимоий, автоном, режалаштирилган ва бошқалар.

Адаптацион сиқкат — ҳукуматнинг қонунчилик, иқлим ўзгариши натижасида кечиши мумкин бўлган социал-иқтисодий ўзгаришларни енгиллатиш ёки чегаралаш мақсадида бошқариш ва рағбатлантириш тизимида амалга оширган тадбирларини қамраб олувчи фаолияти. Бу сиёсат иқлим тебранишлари ва экстремал ҳодисаларни ҳам назарда тутади. Ўзгаришлар амалий фаолият доирасида, жараёнларда ёки алоҳида системаларда кутилаётган ўзгаришларга жавоб сифатида рўй бериши мумкин.

Адаптив қобилият — системанинг иқлим ўзгаришига мослашиш қобилияти. Мумкин бўлган зиённи камайтиради, қулай имкониятлардан фойдаланади ёки салбий оқибатларга мослашади.

Иқлим ўзгариши таъсири — оқибат, яъни табиий система ёки инсониятта иқлим ўзгариши рўй берган шароитдаги таъсир. Мослашиш — адаптация мақсадига боғлиқ ҳолда мумкин бўлган оқибат ва қайтариб бўлмайдиган оқибат бир-биридан фарқланади.

Сезувчанлик — системанинг иқлим ўзгаришига жавоб бериш даражаси. Масалан, экосистеманинг турлари таркибидаги, унинг структураси ва ҳаёт фаолиятидаги, маҳсулдорлигидағи ўзгариш даражаси. Системанинг жавоб реакцияси ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин.

Нозиклик — бу шундай даражаки, система бунгача иқлим ўзгариши, унинг тебранишлари ёки экстремал намоён бўлиши туфайли кўрсатиладиган таъсирни сезмайди ёки бундай ўзгаришларга бардош беришнинг удасидан чиқади. Нозиклик — система дуч келадиган иқлим ўзгариши характери, кучи, тезлигининг функциясидир. Нозиклик системанинг сезувчанлиги ва адаптив қобилиятига ҳам боғлиқ.

Асосий ахборот манбалари

1. Доклад о компиляции и обобщении третьих национальных сообщений Сторон, включенных в Приложение I, документы FCCC/SBI/2003/7 и FCCC/SBI/2003/7/Add.1-4, Бонн, РКИК, 2003.
2. Доклад о данных национальных инвентаризаций парниковых газов Сторон Приложение I за период 1990-2001, документ FCCC/SBSTA/2003/14, Бонн, РКИК, 2003.
3. Ежегодные материалы по инвентаризации парниковых газов и национальные отчеты об инвентаризации, представленные Сторонами Приложения I в Секретариат РКИК.
4. Киотский протокол к Рамочной конвенции ООН об изменении климата, опубликован Секретариатом РКИК при поддержке Информационного центра по конвенциям ЮНЕП, Бонн, 1999.
5. Компиляция и обобщение первоначальных национальных сообщений Сторон, не включенных в Приложение I, за 1999-2003 гг., документы FCCC/SBI/1999/11, FCCC/ SBI/2000/15, FCCC/SBI/2001/14 AND Add.1, FCCC/SBI/2002/16, FCCC/SBI/2003/13.
6. Межправительственная группа экспертов по изменению климата (IPCC), Изменение климата 2001: Обобщенный доклад, Cambridge University Press, Кембридж, 2001.
7. Национальные сообщения Сторон Приложения I и Сторон, не вошедших в Приложение I, представленные в Секретариат РКИК.
8. Отчет Глобального экологического фонда для 9-й Конференции Сторон РКИК FCCC/Cp/2003/3.
9. Рамочная конвенция ООН об изменении климата, издана Секретариатом РКИК при поддержке Информационного центра по конвенциям ЮНЕП, Женева, 1999.
10. Intergovernmental Panel on Climate Change (IPCC), Special Report on Emission Scenarios, Cambridge University Press, Cambridge, 2000.
11. International Energy Agency (IEA), CO₂ Emissions From Fuel Combustion, 1971-2001. Paris, 2003.
12. International Energy Agency (IEA), Energy Balances of Non-OECD Countries, 2000-2001. Paris, 2003.
13. International Energy Agency (IEA), Energy Balances of OECD Countries, 2000-2001. Paris, 2003.
14. Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD), Aid targeting the Rio Conventions 1998-2000, report of the OECD Development Assistance, DCD/DAC/STAT/(2002)7, Paris, 2002.
15. Доклад “Первые десять лет”, РКИК ООН, 2004 г.

Қўшимча манбалар

1. Абдуллаев А.К. Агрометеорологическая оценка состояния и прогноз урожайности посевов хлопчатника в Узбекистане. -Ташкент: САНИГМИ, 1997.-173 с.
2. Агальцева Н.А., Боровикова Л.Н. Оценка уязвимости стока рек бассейна Аральского моря от возможных воздействий изменения климата //Информация об исполнении Узбекистаном своих обязательств по Рамочной Конвенции ООН об изменении климата. Бюллетень № 3. –Ташкент: САНИГМИ, 1999. –С. 36-35.
3. Антропогенные изменения климата /Под ред. М.И.Будыко, Ю.А.Израэля. –Л.: Гидрометеоиздат, 1987. –405 с.
4. Будыко М.И. Антропогенные изменения климата. –Л.: Гидрометеоиздат, 1987. – 405 с.
5. Глобальный климат / Под ред. Дж. Т. Хотона.–Л.: Гидрометеоиздат, 1987. –504 с.
6. Осоксова Т.А., Васиков А.Р., Чуб В.Е. «Основные результаты инвентаризации парниковых газов от энергетической деятельности // Информация об исполнении Узбекистаном своих обязательств по рамочной Конвенции ООН об изменении климата» Бюллетень № 2. –Ташкент: САНИГМИ, 1999. –С. 11-20.
7. Оценка возможных изменений основных климатических характеристик на территории Узбекистана /Никулина С.П., Спекторман Т.Ю., Субботина О.И., Чанышева С.Г.///Метеорология и гидрология.-1999. -№ 9. –С. 58-65.
8. Хромов С.П., Петросянц М.А. Метеорология и климатология. Изд-во МГУ, 2001. – 527 с.
9. Чуб В.Е., Осоксова Т.А. «Изменение климата и поверхностные водные ресурсы бассейна Аральского моря // Информация об исполнении Узбекистаном своих обязательств по Рамочной Конвенции ООН об изменении климата. Бюллетень № 3.- Ташкент: САНИГМИ, 1999.-С. 5-14.
10. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан. - Ташкент: САНИГМИ, 2000. – 252 с.
11. Петров Ю.В., Холматжанов Б.М., Эгамбердиев Х.Т. Метеорология и климатология. - Т.: Изд-во НУУз, 2005. – 333 с.
12. Ясаманов Н.А. Древние климаты Земли. – Л.: Гидрометеоиздат, 1985. – 296 с.